

Мундарижа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

№	Мавзуларнинг номи	Бетлар
1.	Кириш	4
2.	1-Мавзу: Ахборот ҳақида тушунча. Ахборий жараёнлар ва информатика фани	5
3.	2-Мавзу: Ахборотлашган жамият ҳақида тушунча, ватанимизда информатиканинг тараққиёти ва истиқболлари.	14
4.	3-Мавзу: Замонавий шахсий компьютерларнинг архитектураси ва асосий қурилмалари.	21
5.	4-Мавзу: Шахсий компьютерларнинг атроф қурилмалари.	32
6.	5-Мавзу: Компьютерларда маълумотларни ташкил этиш ва сақлаш.	37
7.	6-Мавзу: Шахсий компьютерларнинг дастурий таъминоти.	53
8.	7-Мавзу: Тизимли ва амалий дастурий таъминот.	61
9.	8-Мавзу: MS Office дастурларини ишга тушириш ва ишини тугаллаш.	63
10.	9-Мавзу: MS Word дастурида ҳужжат яратишда турли график объектлар билан ишлаш.	71
11.	10-Мавзу: MS PowerPoint да слайдлар яратиш.	88
12.	11-Мавзу: MS Excel электрон жадвалида функциялар билан ишлаш.	96
13.	12-Мавзу: Компьютерда график объектлар билан ишлаш.	160
14.	13-Мавзу: CorelDRAW дастурида ишлаш	211
	Фойдаланилган адабиётлар	273

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

ИНФОРМАТИКА ФАНИДАН

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Самарқанд-2011 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
МАРКАЗИ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА
МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ**

«Тасдиқлайман»
СамДАҚИ Касб-ҳунар
кол. ва ак. лицейлар бўйича
проректори, т.ф.н., доцент
_____ Қўлдошев А.
«_____» _____ 2011 йил

Ҳарбий қурулиш йўналишидаги
академик лицей директори:
_____ Норқораев Ҳ.
кенгашида кўриб чиқилган
ва тасдиқланган. Баённома № _____
«_____» _____ 2011 йил

ИНФОРМАТИКА
фанидан ўқув-услубий қўлланма
(1–босқич ўқувчилари учун)

Самарқанд-2011 йил

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Макарова Н.В. таҳрири остида- Информатика. Тошкент «Талқин» 2005 йил, 345 бет. Дарслик
2. Арипов А.Н. ва бошқалар.- Давлат бошқарувидв ахборот-коммуникация технологиялари. Тошкент., 2005 йил, Қўлланма, «Умумий тушунчалар, жаҳон тажрибасини Ўзбекистонда жорий этиш тажрибаси».
3. Қосимов С.С., Обидов А.А.-Компьютер олами., Тошкент, «Чўлпон», 2001 йил, 127 бет. Ўқув қўлланма.
4. Қосимов С.С.-Ахборот технологиялари., Тошкент, «Алоқачи», 2006 йил, 398 бет. Ўқув қўлланма.
5. Қасимова Т.И., Базарбоева Ш.А.-Информатика., Тошкент, «Илм Зиё», 2004 йил, 236 бет. Ўқув қўлланма.
6. Камилов Ш.М.-Информатика., Тошкент. «Ўқитувчи», 2003 йил, 423 бет. Дарслик.
7. Холматов Т.Х., Тайлоков Н.И., Назаров У.А.-Информатика, Тошкент «Ўзбекистон Миллий энциклапедияси», 2003 йил. Дарслик.
8. Назаров У.А., Каримов А.А.- Компьютер графикаси. Самарқанд. СамДАҚИ, 2007 йил. Ўқув қўлланма.
9. Назаров У.А., Ражабов Н.А., Каримов А.А., Ҳайдаров Р.Н., Элмурадов Б.Э.- Windows XP операцион тизими ва унинг MS Office дастурлари билан ишлаш. Самарқанд, 2011 йил. 252 бет. Ўқув қўлланма.
10. Гурский Ю.А., Василев А.В. -Трюки & эффекты Photoshop CS. Санкт-Петербург. 2004 год.,552 стр.
11. Левковец Л.,Adobe photoshop CS3. Базовый курс на примерх+DVD, 2007 год
12. Миронов Д. «Corel Draw X3». Учебный курс, Санкт-Петербург. 2006 год.
13. Панкратова Г. «Photoshop 6». Учебный курс. Санкт-Петербург. 2002 год.
14. Сатторов А. «Информатика ва ахборот технологиялари». Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти. 2003 йил.
15. Corel Draw дастурининг маълумотлар базасидан фойдала нилди.
16. Якушев Д.Я. Энциклопедия пользователя персонального компьютера. Москва, 2002 год.
17. Яцок О.Д. Компьютерные технологии в дизайне. Санкт-Петербург 2002 год.

- b).  (Freehand Tool) тугмалар тўпламини ишга туширади
- c).  (Rectangle Tool) тугмалар бирлашмасини ишга туширади
- d).  (Polygon Tool) тугмалар тўпламини ишга туширади

20. F7 нима вазифани бажаради?

- a).  (Ellipse Tool) тугмалар бирлашмасини ишга туширади
- b).  (Freehand Tool) тугмалар тўпламини ишга туширади
- c).  (Rectangle Tool) тугмалар бирлашмасини ишга туширади
- d).  (Polygon Tool) тугмалар тўпламини ишга туширади

Тузувчилар:

Н.А. Ражабов –СамДАҚИ «Информатика ва АТ» кафедраси, доцент, ф.-м.ф.н.

А.А. Каримов - СамДАҚИ «Информатика ва АТ» кафедраси, катта ўқитувчи.

Ш. Очилов-академик лицейнинг «Информатика ва АТ» фани ўқитувчиси.

Такризчи:

У.А.Назаров- СамДАҚИ «Информатика ва АТ» кафедраси мудири, ф.-м.ф.н., доцент.

**Биз истеъдодли, фидойи болаларимиз-
фарзандаримизга билим ва касб-хунар
чўққиларини забот этиши учун қанот
беришимиз керак..**

Ислом Каримов

Кириш

Республикамизда 1994 йил қабул қилинган «Ахборотлаштириш концепцияси»да йўналтирилган мақсадларни амалга ошириш учун «Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш дастури» ишлаб чиқилган эди. Ушбу дастур мақсадли 3-қисмдан иборат бўлиб, унинг амалга оширилиши боис бутун Республикамиздаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими, халқ таълими тизими ва бошқа муассаса ва корхоналар замонавий шахсий компьютерлар билан жиҳозланди, уларнинг ахборот тизимлари янатилади, янги технологиялар билан қуроллантирилади. Бу эса ушбу ўқув юртлари талабаларидан мавжуд компьютер техникалари ва тизимларидан ҳамда ахборот технологияларидан самарали фойдаланишлари учун зарур билимларни тақоза этади. Мактабларда «Информатика» фанининг ўқитилиши ва касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда унинг узвий давоми сифатида «Информатика ва ахборот технологиялари» фанларининг ўқитилиши ўқувчиларда шу соҳага таълуқли билимларни эгаллашларида муҳим дастури амал бўлиб хизмат қилади.

Бугунги куннинг долзорб масаласи бу-ахборотдир. Ташқи муҳитдан олинаётган, ишланаётган ахборотнинг нечоғлиқ ишончлилиги, унинг турғунлиги ва фойдалилиги унинг қимматини баҳолайди. Ахборотларни қабул қилиш, уларни қайта ишлаш, тузатиш ва керакли манбаларга узатиб бериш каби жараёнлар-жамиятни ахборотлаштириш жараёнларини ташкил этади. Ахборотларга ишлов бериш эса шахсий компьютерлар тизими ва технологиялари иштирокида амалга оширилади. Бундай замонавий техника ва технологияларни ёш авлодлар онгига сингдириш ва компьютер саводхонлигига эриштириш учун ўрта-махсус, касб-хунари таълими тизимида ҳам бир қатор шу соҳага оид фанлар ўтилади. Шулардан «Информатика» фани бошқа турдош фанларга асос бўлиб хизмат қилади.

«Информатика» фанини ўрганиш жараёнида талабалар замонавий компьютер техникалари ва ахборотларни қайта ишлаш технологияларидан қандай фойдаланиш ва ҳаётга тадбиқ қилишни ўрганади.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма фаннинг асосий тушунчаларини

- с.) Объектни рангини ўзгартириш учун
- д.) Тўғри жавоб йўқ

13. Менежер обзора нима вазифа бажаради?

- а.) Объектларнинг саҳифада кўринишини ўзгартириш учун
- б.) Объектларни ўчиради
- с.) Объектларни белгилаш учун
- д.) Белгилашни олиб ташлаш учун

14. 1 дюйм нимага тенг?

- а.) 2,54 см
- б.) 3,24 см
- с.) 4,32 см
- д.) 2 см

15. F2 нима вазифани бажаради?

- а.) Масштабни катталаштириш имконини беради
- б.) Хужжатни сақлайди
- с.) Хужжат яратади
- д.) Масштабни кичрайтириш имконини беради

16. F3 нима вазифани бажаради?

- а.) Масштабни катталаштириш имконини беради
- б.) Хужжатни сақлайди
- с.) Хужжат яратади
- д.) Масштабни кичрайтиради.

17. F4 нима вазифани бажаради?

- а.) Белгиланган объектни катталаштиради
- б.) Хужжатни сақлайди
- с.) Хужжат яратади
- д.) Белгиланган объектни кичрайтириш имконини беради

18. F5 нима вазифани бажаради?

- а.) Масштабни катталаштириш имконини беради
- б.) Хужжатни сақлайди
- с.)  (Freehand Tool) тугмалар тўпламини ишга туширади
- д.) Масштабни кичрайтириш имконини беради

19. F6 нима вазифани бажаради?

- а.) Масштабни катталаштириш имконини беради

7. **Свойства объекта(Object Properties)** ойнаси қандай чиқарилади?

- a). Объект устига сичқонча кўрсаткичи олиб борилиб чап тугма босилади
- b). Менюнинг **Файл** бўлими орқали
- c). Объект устига сичқонча тугмаси олиб борилиб ўнг тугмаси босилади, чиққан буйруқлар ичидан **Свойства (Properties)** буйруғи танланади
- d). Тўғри жавоб йўқ

8.  **Градиентная заливка(Fountain fill)** нима вазифани бажаради?

- a). Объектларга икки турдаги ранглар, ва ранглар штриховкаларини беради
- b). Ташқи рангни беради
- c). Тўғри жавоб йўқ
- d). Рангни йўқ қилади

9.  **Заливка узором(Pattern fill)** нима вазифа бажаради?

- a). Ташқи рангни беради
- b). Ҳар хил кўринишдаги тайёр фонларни танлаш имконини беради.
- c) Рангни йўқ қилади
- d) Тўғри жавоб йўқ

10.  **Без заливка(No fill)** нима вазифани бажаради?

- a). Ички рангни йўқ қилади
- b). Белгилашни бекор қилади
- c). Объектларни белгилайди
- d). Тўғри жавоб йўқ

11. **Corel Draw** дастурида объектларни кўриш режими нечтадан иборат?

- a). 6
- b). 5
- c). 7
- d). 4

12. **Масштаб(Zoom)** панели нимага керак?

- a). Ўлчамларни ўзгартириш учун
- b). Файлни хотирага олиш

бериш ва улар ёрдамида амалий машғулотлар бажариш, график объектлар билан ишлаш ва турли иш ўйинларини ўрганишларида кўмаклашади.

1-Мавзу: Ахборот ҳақида тушунча. Ахборий жараёнлар ва информатика фани

Р е ж а:

1. Ахборот ва ахборий жараёнлар.
2. Ахборий инқилоб қиймати ва роли ҳақида
3. Индустриал ва ахборий жамият тавсифлари
4. Ахборотлаштириш-индустриал жамиятни ўзгартириш жараёни
5. Информатика фанининг ҳозирги босқичдаги вазифалари

Таянч иборалар: ахборот, ахборий жараён, ахборий инқилоб, индустриал, информатика, кибернетика, интеграция.

Асрлар давомида инсоннинг фаолияти табиатдаги ўсимликлар, ҳайвонлар, куёш энергияси каби тайёр маҳсулотларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлиб келган. Лекин вақт ўтиши билан инсон фақат тайёр маҳсулотларни олишни ўрганибгина қолмасдан, табиатга таъсир қилишни ҳам ўрганиб олди. Инсонлар ерга ишлов бера бошладилар, турли ҳайвонларни қўлга ўргатиб, кўпайтира бошладилар, завод ва фабрикалар, гидроэлектростанциялар, темир йўллар ва космик трассалар кура бошладилар. Бунинг натижасида бир пайтлар ўрмонлар ва денгизлар билан қопланган она заминимиз бўлган ерда янгиланишлар пайдо бўла бошлади. Инсониятнинг табиатни ўзлаштиришдаги тажриба ва билимларини тўплаши ахборотни ўзлаштириш билан биргаликда кечади. Айни мана шу жараён ионосферанинг пайдо бўлишига олиб келади. Демак, инфосферанинг пайдо бўлиши ахборотни ўрганиш билан боғлиқ экан. Инсон яшайдиган дунё турли моддий ва номоддий объектлар, шунингдек, улар ўртасидаги ўзаро алоқа таъсирларидан, яъни жараёнлардан ташкил топган. Сезиш аъзолари, турли асбоблар ва ҳақозолар ёрдамида қайд этилган ташқи дунё далиллари маълумотлар деб аталади. Маълумотлар аниқ вазифаларни ҳал этишда зарур ва фойдали деб топилса – **ахборот**га айланади.

маълумот  ахборот

Инсоният ахборотларни турли аъзолари орқали қабул қилиб олади. Масалан кўриш орқали-кўз билан, ҳид билиш-бурун, таъаам билиш-оғиз-тил, сезиш орқали-нерв аъзолари ва мия, эшитиш орқали-қулоқ ва бошқалар.



Кўриш
Эшитиш
Ҳид билиш
Таъам билиш
Сезиш

Инсон ҳаётга келган кунидан бошлаб доимо маълумотлар билан иш кўради. Уларни ўзининг сезги аъзолари орқали қабул қилади. Кундалик турмушда ахборот деганда атроф муҳитдан, инсон сезги ва бошқа аъзолари орқали қабул қилиб, англаб оладиган ҳар қандай маълумотни тушунамиз. Ушбу маълумотларни атрофни кузата туриб, бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатларимиз орқали, радио, телевидения орқали оламиз.

Ахборотни характерловчи асосий параметрлардан бири унинг хоссаларидир:



XX асрнинг 50–йилларида янги фан–информатика фанига асос солинди. Информатика инсон фолиятининг турли жабҳаларидаги

Тест саволлари

1. **Corel Draw** дастурининг асосий технологик принципи нимага асосланган?

- a). Матнларга
- b). Графикларга
- c). Ҳисоблашларга
- d). Объектларга

2. Белгиланган объект нусхасини қандай олиш мумкин?

- a) Редактировать-Вставить
- b) Редактировать-Дублировать.
- c) Редактировать-Вклеить
- d) Тўғри жавоб йўқ

3. «Қуроллар панели» нима вазифани бажаради?

- a). Объектлар яратади, ва объектлар билан ишлайди
- b). Ундай панел умуман йўқ
- c). Фақат матн яратади
- d). Тўғри жавоб йўқ

4. Белгилашни қайси тугма ёрдамида олиб ташлаш мумкин?

- a). [Esc]
- b). [Shift]
- c). [Tab]
- d). [Alt]

5. Клавиатура ёрдамида қайси тугмани босиб туриб бир нечта объектни белгилаш мумкин?

- a). [Ctrl]
- b). [Shift]
- c). [Tab]
- d). [Alt]

6.  **Однородная заливка(Uniform fill)** нима вазифа бажаради?

- a). Объектларнинг ички қисмига бир тондаги ранг беради
- b). Ташқи чегарага ранг беради
- c). Объектларни белгилайди
- d). Объектларни ўчиради

нувчи ўз хохиши бўйича ўзгартириши мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Объект деганда нимани тушунаси?
2. «Қуроллар панели»(Property bar: Rectangle) ёрдамида қандай ишларни объектлар устида бажариш мумкин?
3. Объектларни яратишнинг қандай бошқа усуллари биласиз?
4. Клавиатура ёрдамида қандай қилиб объектлардан нусха олиб, нусхани қўйиш мумкин?
5. Қандай қилиб бошқа дастурлардан CorelDraw дастурига бошқа объектларни кўчириш мумкин?
6. Свойства объекта(Objekt Properties) нимага керак?
7. Свойства объекта(Objekt Properties) қандай тугмалардан иборат ва улар нима вазифани бажаради?
8. Объектларга ички ранг беришнинг қандай усуллари мавжуд?
9. Объектларда чегарани ўзгартириш учун қандай усуллардан фойдаланиш мумкин?
10. Свойства объекта (Objekt Properties) ойнасини қандай усуллардан фойдаланиб экранга чиқариб қўйиш мумкин ва қандай олиб ташлаш мумкин?
11. Чизиқ қалинлигини, рангини, типини ўзгартиришнинг яна қандай усуллари биласиз?
12. Меню катори ёрдамида қандай ишларни бажариш мумкин?
13. Объектни жойлаштириш деганда нимани тушунишимиз керак?
14. Кўриниш режимлари неча хил бўлади?
15. Кўриниш режимлари имкониятлари нимадан иборат?
16. Кўриниш масштабини ўзгартириш учун қайси панелдан фойдаланилади ва у панел қайси тугмалардан иборат? Уларнинг вазифаларини санаб ўтинг?
17. Менеджер обзора (View Manager) нима вазифани бажаради? У қандай тугмалардан иборат ва улар қандай вазифаларни бажаради?
18. Масштабни ўзгартиришни яна қандай усуллари биласиз?
19. Масштабни ўзгартиришни клавиатурадан ва сичқондан фойдаланиб қандай бажариш мумкин?
20. «Қуроллар панели» нима вазифа бажаради?
21. Линейканинг ўлчов бирликларини қандай ўзгартириш мумкин?
22. «Қуроллар панели»да мавжуд бўлган тугмаларнинг вазифаларини клавиатурада қандай тугмалар ёрдамида бажариши мумкин?
23. Координата сеткалари деганда нимани тушунаси?
24. Сетка чизиқлари орасидаги масофани қандай ўзгартириш мумкин?

ахборотларни излаш, тўплаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи фандир. Қисқа қилиб айтганда информатика фани ахборотлар устида бажариладиган амаллар ва уларни қўллаш усуллари ўрганадиган фандир.

Ахборот(информация) сўзи лотинча information сўзидан олинган бўлиб, “тушунтириш”, “тавсифлаш” деган маънони англатади.

Ахборот учта муҳим хусусиятларга эга бўлиш лозим:

1. Ахборот ўрганилаётган нарса ёки ҳодисани ҳар тарафлама тўлиқ ифодалаши лозим, яъни ахборот тўлиқлик сифатига эга бўлиши лозим.
2. Ахборот маълум маънода қимматли бўлиши лозим.
3. Ахборот ишончли бўлиши лозим, акс ҳолда уни қайта ишлашга зарурат бўлмайди.

Демак, шу учта хусусиятга эга бўлган ахборотларгина кундалик ҳаётимизда, касби-коримизда фойдаланишимиз учун зарур ҳисобланар экан.

Ихтиёрий жараёни тўлиқ ўрганишда, унинг тўғрисида тўпланган маълумотлар ҳажми, маълумотларни ўзаро боғлиқлик даражаси шунчалик мураккаб бўладики, уларни бирор восита ёрдамисиз тўлиқ қайта ишлаш амалда мумкин эмас. Инсон учун ахборотларни тўплашда унинг барча сезги органлари хизмат қилса, узоқ масофадаги ахборотларни тўплаш учун эса бу етарли эмас. Бунинг учун махсус техник воситалар талаб қилинади. Шунинг учун ҳам ахборотлар устида бажариладиган асосий амаллар—уларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш амалларини бажариш учун инсоннинг турли воситаларга бўлган эҳтиёжи ортиб борган ва унга кўра ҳар хил ускуналар яратиб, ҳаётга татбиқ эта бошлаган.

Керакли ахборотлардан керак бўлганда фойдаланиш учун уларни сақлаш керак. Ахборотлар турли хил воситаларда, масалан, китобларда, газеталарда, магнитли тасмаларда, компьютерларнинг эса махсус қахраболи воситаларида сақланади, улар ахборот ташувчи воситалар деб аталади.

Фан ва техниканинг ривожланиши ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш каби жараёнларни самарали амалга ошириш мумкинлигини кўрсатади. Бунда асосий ўринни техник воситалар—компьютер ва бошқа турдаги воситалар эгаллайди. Улар ёрдамида ишни ташкил этиш орқали ахборот алмашинувини тезлатишдан ташқари керакли ахборотни излаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланишни осонлаштириш ҳамда ахборотни юқорида кўрсатиб ўтилган барча сифатларини сақлашга эришилади.

Ахборот устида керакли амалларни бажариш борасида ташкил қилинган жараён ахборот технологияси деб аталади. Ахборот

технологияси асосий техник воситалари сифатида ҳисоблаш-ташкилий техникадан ташқари алоқа воситалари–телефон, телефакс, модем ва бошқалар қўлланилади.

Информатика–информация(хабар, ахборот, маълумотларни)жамлаш ва қайта ишлашнинг қонунлари ҳамда методларини ўрганади. Информатика 60–йилларда Францияда электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида ахборотни қайта ишлаш билан шуғулланувчи соҳани ифодаловчи атама сифатида юзага келади. **Информатика атамаси лотинча informatic сўздан келиб чиққан бўлиб, тушунтириш хабар қилиш, баён этиш маъноларини англатади.**

Французча INFORMATIQUE(информатика) сўзи ахборот автоматикаси ёки ахборотни қайта ишлаш маъносини англатади. Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда бу атамага computer science компьютер техникаси ҳақидаги фан синонимига мос келади.

Ўзбекистон Республикаси информатика ва ҳисоблаш техникаси йўналишида жаҳон даражасидаги илмий мактаблар яратгани, уларда тадқиқотлар муваффақиятли олиб бораётгани билан шартли равишда фахрлана олади. Информатиканинг инсон фаолиятининг мустақил соҳа сифатида ажралиб чиқиши биринчи навбатда компьютер техникасининг ривожланиши билан боғлиқ. Унда асосий хизмат микропроцессор техникасига тўғри келади, унинг пайдо бўлиши 70-йиллар ўрталарида иккинчи электрон инкилобни бошлаб берди. Шу даврдан бошлаб ҳисоблаш машиналарининг негизини интеграл чизма ва микропроцессорлар ташкил этди.

Информатика атамаси нафақат компьютер техникаси ютуқларини акс эттириш ва фойдаланиш, балки ахборотни узатиш ва қайта ишлаш жараёнлари билан боғланади. Информатика ахборотларни қайта ишлаш уларни қўллаш ва ижтимоий амалиётнинг турли соҳаларга таъсирини, ЭҲМ тизимларига асосланган ҳолда ишлаб чиқиш, лойиҳалаш, яратиш, баҳолаш изланишнинг турли жиҳатларини ўрганувчи комплекс илмий ва инженерлик фани соҳасидир.

Информатика–бу жиҳатдан ахборот моделларини қуришнинг методологик тамойилларини илмий ишлаб чиқишга йўналтирган. Шу боис ахборот услублари объект, ҳодиса, жараён ва ҳақозоларни ахборот моделлари ёрдамида баён этиш имкониятларига эгадир. Информатиканинг вазифалари, имкониятлари, восита ва услублари кўп қиррали бўлиб, унинг кўплаб тушунчалари мавжуд. Уларни умумлаштириб қуйидаги талқинни тавсия этамиз:


- **Информатика– бу компьютер ёрдамида ва уларни қўллаш муҳити воситасида ахборотни янгилаш жараёнлари билан боғлиқ инсон фаолияти соҳасидир;**




Интерактивная заливка сеткой(Interactive Fill Tool)-градиент бўяш. Бу икки типдан иборат. Бу тугмалар градиент бўяш учун ишлатилади.

Амалий машгулот

1. **CoreDraw** дастури ишга туширилади(**Пуск-Программы-Corel Graphics Suite11-CorelDraw11**). қуйидаги ойна пайдо бўлади(юқоридаги 1-расм).
2. «Қуроллар панели»да  **Инструмент прямоугольник (Rectangle Tool)** тугмаси танланади. Хужжатга тўртбурчак чизилади.
3. Ранглар палитрасидан фойдаланиб тўртбурчакка ички ва ташқи ранг берилади.
4.  **Интерактивная перемещающая инструменты (Interactive Blend Tool)** тугмалар тўпламида  **Интерактивное выдавливание(Interactive Extrude Tool)** тугмаси танланади.
5. Белгиланган объектнинг чап юқори бурчагидаги маркер устига сичқонча кўрсаткичи олиб борилади. Тўртбурчакнинг чап бурчагини чап юқorigа силжитамиз ва ишни тугаллагандан сўнг сичқончанинг чап тугмасини қўйиб юборамиз. Натижада куб шакли ҳосил бўлади.



Эслатма: чизик кўриниши ва рангини, тўртбурчакнинг ички ранглари, фонларни, кубнинг кўринишини ва катталикларини фойдала-




 **Пипетка(Eyedropper Tool)**- ранг танлаш ва фон бериш имконини берувчи куроллардан иборат .

 -объектлардан ранг танлаш имконини беради.

 -фон бериш имконини беради.

 **Инструмент контур(Outline Tool)**-чизиқлар устида ҳар хил ишларни бажариш имконини берувчи куроллардан иборат.



-бу тугмалар ҳам ўзига брикти рилган вазифаларни бажаради.

 **Заливка(Fill Tool)**-бу тугма белгиланган объектларнинг ичига ранг, ҳар хил фонлар бериш имконини берувчи буйруқлардан ташкил топган. Бу тугманинг вазифаларини **Свойства объекта(Object Properties)** ойнаси орқали ҳам бажариш мумкин.



бу тугмаларнинг ҳар бири ўзига хос вазифага эга.

Уларнинг вазифалари ва имкониятлари билан юқорида тўлиқ танишиб ўтилган.

Информатика ва кибернетика тушунчаларида кўпинча чалкашликлар учраб туради. Уларнинг ўхшашлиги ва фарқини тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Н.Виннер томонидан кибернетикага киритилган асосий фикр инсон фаолиятининг турли соҳаларида мураккаб динамика тизимларни бошқариш назариясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Кибернетика компьютерлар мавжудлиги ёки йўқлигидан қатъий назар мавжуддир.

Кибернетика–техник, биологик, ижтимоий ва бошқа турли тизимларда бошқарувнинг умумий тамойиллари ҳақидаги фандир.

Информатика янги ахборотни анча кенг, кибернетика каби турли объектларни бошқариш вазифаларини амалий ҳал этмайди, ўзгартириш ва барпо этиш жараёнларини ўрганади. Информатика компьютер ривожланиши туфайли юзага келди, унга асосланади ва ушиз мавжуд бўла олмайди.

Кибернетика компьютер техникасининг барча ютуқларидан унумли фойдаланса ҳам, лекин объектларни бошқаришнинг турли моделларини яратган ҳолда ўз-ўзича ривожланади. Кибернетика ва информатика ташқи жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшаш бўлса ҳам лекин:

-информатика–ахборот ва уни қайта ишловчи техникавий дастурий воситалар хусусиятларига асосланади;

-кибернетика эса–объектлар моделларининг концепциялари жиҳатидан фарқланади.

Информатика кенг маънода инсоният фаолиятининг барча соҳаларида асосан компьютерлар ва телекоммуникация алоқа воситалари ёрдамида ахборотни қайта ишлаш билан боғлиқ фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг хилма-хил тармоқлари бирлигини ўзида намоён этиши мумкин.

Информатикани тор маънода ўзаро алоқадор 3 қисм техник воситалар, дастурий воситалар, алгоритмли воситалар сифатида тасаввур этиш мумкин. Ўз навбатида информатикани ҳам умуман қисмлари бўйича турли жиҳатлардан; халқ хўжалиги тармоғи, фундаментал фан, амалий фан соҳаси сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Информатика ишлаб чиқариш тармоғи сифатидаги ўзига хослиги ва аҳамияти шундаки, халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари меҳнат самарадорлиги кўп жиҳатдан унга боғлиқдир. Бундан ташқари бу тармоқлар меъёрида ривожланиши учун информатиканинг ўзида меҳнат самарадорлигини анча юқори суръатларида ўсиб бориши лозим, чунки ҳозирги даврда жамиятда ахборот кўпроқ сўнгги истеъмол предмети сифатида намоён бўлмоқда; одамларга дунёда рўй бераётган воқеалар, уларнинг касбий фаолиятларига доир предмет ва ҳодисалар, фан ва жамиятнинг ривожланиши ҳақида ахборот зарур.

Мехнат самарадорлигининг бундан кейинги ўсиши ва фаравонлик даражасини кўтариш, катта ҳажмдаги мультимедия ахборотини (матн, графика, видео тасвир, товуш, анимация) қабул қилиш ва ишлашга янги интеллектуал воситалар ва инсон машина интерфейсларидан фойдаланиш асосидагина эришиш мумкин. Информатикада меҳнат унумдорлигини ошириш суратлари етарли бўлмаса, бутун халқ ҳўжалигида самарадорлигини ўсиши анчагина камайиши рўй бериши мумкин.

Информатика фундаментал фан сифатида компьютер ахборот тизимлари негизида исталган объектлар билан бошқарув жараёнларини ахборот жиҳатидан таъминлашни барпо этиш методологиясини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.


Информатикада фундаментал тадқиқотлар мақсади исталган ахборот тизимлари ҳақида умумлаштирилган ахборотни олиш, уларнинг қурилиши ва ишлашининг умумий қонуниятларини аниқлашдир. Информатика амалий фан соҳаси сифатида қуйидагилар билан шуғулланади:

1. Инсон фаолиятининг турли соҳаларида коммуникацион ахборот моделларини яратиш;
2. Аниқ бир соҳаларда ахборот тизими ва технологияларини ишлаб чиқиш, уларнинг ҳаётий босқичини, уларни ишлаб чиқаришда ишлашни ва ҳақозоларни лойиҳалаш ишлаб чиқиш босқичлари учун тавсиялар тайёрлаш.

Информатиканинг бош вазифаси ахборотни янгилаш услуб ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ахборотни қайта ишлашнинг технологик жараёнларини ташкил этиш улардан фойдаланишни ишлаб чиқишдир.

Инсон қабул қиладиган ва узатадиган ахборотнинг шакллари:

- матнли, графикли, турли схемалар, расмлар ва макетлар кўринишида;
- товушли, тўлқинли, асаб импулслари кўринишида;
- ёруғлик нурлари, электр нурлари кўринишида;
- турли ҳидлар, таамлар кўринишида;
- турли белгилар кўринишларида;
- имо-ишоралар ва таъсирлар кўринишларида;
- қарорлар, фикрлар ва баёнлар кўринишларида.



14-рasm.

А Ускуна текст(TextTool-F8)-Матн ёзиш имконини беради.

Интерактивная перемещающая инструменты-(Interactive Blend Tool)-тайёр объектларни ўзгартириш имконини берувчи қуроллардан ташкил топган.



бу тугмаларнинг ҳаммасининг ўзига яраша вазифаси бор.

Интерактивное перетекание-берилган объектнинг оқимли нусхаларини ҳосил қилиш.



Интерактивное контур-берилган объектни ўзига интерфаол нусхалаш.



Интерактивное искажение- берилган объектни интерфаол шаклда бузиш.



Интерактивная оболочка- интерфаол қобик шаклини бермок.



Интерактивное выдавливание- объектга интерфаоллик бериб шаклини ўзгартирмасдан чўзиш.



Интерактивная тень-объектнинг интерфаол соясини ҳосил қилиш.



Интерактивная прозрачность- объектнинг интерфаол шаффофли (тиник) кўринишини ҳосил қилиш.

Юкорида қайд этиб ўтилган турли кўринишдаги интерфаол ускуналар ёрдамида берилган объектнинг ўзгартирилган нусхаларини қуйида намоиш қиламиз.

бўйича жойлашишини ўзгартириш имконини беради. (чап тугма босик турилган ҳолда)

 **Живопись(Freehand Tool)**-ихтиёрий чизик чизиш имконини берувчи қуроллардан иборат ускулар мажмуаси, яъни:




бу тугмаларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида вазифасига эга, лекин уларнинг барчаси қандайдир бир кўринишдаги эгри чизик чизиш имконини беради.

 **Ускуна прямоугольник(Rectangle Tool-F6)**-тўрт бурчак чизиш имконини беради.

 **Ускуна эллипс (Ellipse Tool-F7)**-эллипс, айлана чизиш имконини беради.

 **Ускуна Полигон(Polygon Tool)**-кўпбурчаклар, жадваллар чизиш имконини беради. Бу тугма навбатдаги   кўшимча тугмалардан иборат ва улар ёрдамида қуйидаги фигураларни чизиш мумкин (13 расм).



13-расм

13-расмда кўриб турганингиздек ҳар бир тугмага тегишли бўлган объект саҳифада чизилиб кўрсатилган.

 **Простые формы(Basic Chapes)**-ўзига хос расмларни чизиш имконини берувчи буйруқлардан ташкил топган 14-расм.

Ахборотлар билан бажариладиган амаллар:

- кодлаштириш ва қайта кодлаштириш;
- кўчириш, нусхалаш;
- ўчириш, тиклаш, қушимчалар киритиш, қайта ишлаш;
- архивлаш ва архивдан ёйиш;
- имло-хатоларини тўғрилаш(корректировка);
- узатиш ва қабул қилиш;
- хотирага сақлаш.

Ахборотнинг миқдори. Ахборотнинг миқдори унинг ўлчов бирликлари орқали ифодаланади. Улар

қуйидагича талқин этилади;

Bit(binaru digit-1 та иккилик разряд(0 ёки 1);

Bayt(1 bayt= 8 bit);

Kilobayt(1 Kbayt= 1024 bayt=8*1024 bit);

Megobayt(1 Mbayt=1024 Kbayt=10² bayt=8*10² bit;

Gigobayt(1 Gbayt=1024 Mbayt=10² Kbayt= 10³ bayt=8*10³ bit);

Terobayt(1 Tbayt=1024 Gbayt=10² Mbayt= 10³ Kbayt=10⁴bayt=8*10⁵bit);

Petobayt(1Pbayt=1024 Tbayt=10² Gbayt=10³ Mbayt=10⁴ Kbayt);

Nonobayt(1Nbayt=1024 Pbayt=10² Tbayt=10³ Gbayt= 10⁴ Mbayt= 10⁵ Kbayt= 10⁶ bayt = 8* 10⁶ bit).


Истеъмолчи нуқтаи назаридан, **ахборот-бу энг охиридаги фойдаланувчи томонидан олинган тушунчалар ва фойдали деб баҳоланган янги маълумотдир.**

Ахборот учун қуйидагилар муҳим саналади:

- ахборот-бу ҳар қандай маълумот эмас, балки у мавжуд ноаниқликларни камайтирувчи янги бир маълумотдир;
- ахборот уни яратувчидан ташқарида мавжуд бўлади, у ўз яратувчисидан узоқлашган, инсон тафаккурида акс этган билимдир;
- ахборот хабарга айланди, чунки у белгилар кўринишида маълум бир тилда ифодаланди;
- хабар моддий ташувчига ёзиб қўйилиши мумкин (хабар ахборотни узатиш шаклидир);
- хабар унинг муаллифи иштирокисиз акс эттирилиши мумкин;
- у жамоат коммуникацияси каналлари орқали узатилади;

Назорот учун саволлар

1. Ахборот тушунчасини изоҳлаб беринг?
2. Маълумот ва ахборот тушунчалари ўртасидаги умумийлик ва боғлиқликлар?
3. Инсоннинг ахборотларни қабул қилиб олиш йўллари.
4. Ахборотнинг хоссалари.
5. Ахборотнинг муҳим хусусиятлари нималардан иборат?
6. Информатика фанининг пайдо бўлиши ва вазифалари.
7. Информатика ва кибернетика фанларининг боғлиқлиги.
8. Информатика амалий фан соҳаси сифатида нималар билан шуғулланади?
9. Информатика фундаментал фан сифатида нималар билан шуғулланади?
10. Информатика тушунчаси қачон, қаерда пайдо бўлган ва қайси сўздан келиб чиққан?



Ушбу мулоқат ойнасидан ҳам сетканинг ўлчамларини ўзгартиришимиз мумкин.

Объектлар устида эса янада мураккаброқ фақат **CorelDraw** дастурига хос ишларни бажариш мумкин. Бу ишларни бажариш жараёнида менюдан, клавиатурадан, сичқончадан, «қуроллар панели»дан фойдаланиш мумкин. Фойдаланувчи ўзи танлайди қайси усулдан фойдаланиш унга қулай. Биз ҳам фақат айрим, оммабоп усулларини санаб кўрсатиб ўтаемиз.

CorelDraw дастурида объектлар яратиш учун, юқорида айтиб ўтганимиздек, ойнанинг ўнг қисмида жойлашган «қуроллар панели» фойдаланамиз. (1-расм)

5) «Қуроллар панели»да жойлашган ускуналарларга ўтаемиз. Чунки бу қуроллар нафақат объект яратадилар, ёки объектга ички ва ташқи ранг берадилар, балки бу қуролларнинг қўшимча имкониятларидан фойдаланиб, биз белгиланган объектлар устида ҳар хил амалларни бажариш имконига эга бўламиз.

«Қуроллар панели» қуйидагилар ускуналардан иборат:

 **Указатель(Pick Tool)**-объектни белгилаш.

 **Ускуна Форма (Shape Tool-F10)**-объект устида ҳар хил ишларни бажариш имконини беради (қиркиб олиш, ўчириш, сиқиш). Бу тугма қўшимча тугмалардан иборат. (Шу тугма устига сичқонча кўрсаткичи олиб борилиб, чап тугмаси босиб турилса қуйидаги қуроллар чиқади.



Ичидан кераклиси танлаб олинади.

 **Масштаб(Zoom)**-масштабни ўзгартириш имконини беради. Бу тугма вазифаси ва имкониятлари тўғрисида, мавзумизнинг юқори қисмида айтиб ўтган эдик.

Лекин бу тугманинг яна бир қўшимча вазифаси бор, яъни юқоридаги ишлар бажарилиб,  тугма танланса, бу тугма бизга саҳифани экран

Сеткалар катталигини ўзгариш учун қуйидагиларни бажариш керак:
1. **Окна-Инструментальная линейка-Строка состояния** амалларини бажариш керак.


2. **Строка состояния**—ускуналар ҳолат каторидаги амалларни бажаринг.

Единицы: **точек** —Сеткадаги катаклар ўлчамларини ўзгартириш.

3. Бундан ташқари **Окна** меню бўлимидан **Докеры** папкасидан **Менеджер объектов** буйруғини ишга туширамиз ва ишчи ойнанинг ўнг томонида қуйидаги мулоқат ойнасини ҳосил қиламиз.



Свойства буйруғини ишга туширамиз ва қуйидаги мулоқат ойнасини очилади.



Видимый сўзи олдида белги қўйилган бўлса, ишчи ойна экранида сетка тағ фон сифатида кўриниб туради, акс ҳолда кўринмайди.

Применить все текущие изменения для Страницы бўлимига белги қўйиб **Установки** буйруғини бажарилишга берамиз ва қуйидаги мулоқат ойнаси ҳосил бўлади.

Тест саволлари:

1. Маълумот қачон ахборотга айланади?

- маълумотлар аниқ вазифаларни ҳал этишда зарур ва фойдали деб топилса — **ахборот**га айланади;
- маълумотлар исталган пайтда — **ахборот**га айланади;
- маълумотлар фойдали деб топилса — **ахборот**га айланади;
- маълумотлар ахборотларнинг таркибий қисмидир.

2. Инсоннинг ахборотларни қабул қилиш органлари қайсилар?

- кўз, бурун, томоқ, қорин, қулоқ, оғиз;
- кўз, бурун, қулоқ, нерф системалари, оғиз-тил, мия;
- кўз, бурун, қўл, соч, нерф системалари;
- инсоннинг барча аъзолари ва кийимлари.

3. Ахборот фанига қачон асос солинди?

- 1950 йилларда;
- 1965 йилларда;
- 1940 йилларда;
- 2000 йилда.

4. Ахборот сўзининг маъноси?

- лотинча information сўзидан олинган бўлиб, “**тушунтириш**”, “**тавсифлаш**” деган маънони англатади;
- лотинча information сўзидан олинган бўлиб, “**изох**”, “**баён**” деган маънони англатади;
- лотинча information сўзидан олинган бўлиб, **тушунтириш хабар қилиш, баён этиш** маъноларини англатади;
- грекчача information сўзидан олинган бўлиб, “**тушунтириш**”, “**тавсифлаш**” деган маънони англатади.

5. Микроцессорларнинг пайдо бўлиши нечанчи йилларга тўғри келади ва у қандай аталади?

- 70 йилларга ва у иккинчи электрон инқилоб деб аталади;
- 60 йилларга ва у иккинчи электрон инқилоб деб аталади;
- 70 йилларга ва у биринчи электрон инқилоб деб аталади;
- 80 йилларга ва у иккинчи электрон инқилоб деб аталади;

2-Мавзу: Ахборотлашган жамият ҳақида тушунча, ватанимизда информатиканинг тараққиёти ва истиқболлари.

Режа:

1. Ахборотлашган жамият тушунчаси.
2. Информатиканинг асосий вазифалари.
3. Ватанимизда информатика фанининг истиқболлари.

Таянч иборалар: ахборот, ахборотлашган жамият, истиқбол, информатика, концепция.

Ахборотлаштириш – замонавий дунё тараққиётининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, жаҳон фан – техникасининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт ютуқларини ўзида мужассамлаштиради. Узлуксиз ахборот билан жамият таъминланиши натижасида **ахборотлашган жамият** юзага келади. Бу жамиятда барча фуқаролар, иқтисодий объектлар ва давлатнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳамма шароитлар яратилган бўлади. Мехнат қилувчиларнинг кўпчилиги ахборот ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан банд бўлади ёки бу жараёнларсиз ишлаб чиқариш мажбуриятларини бажара олмайдиган бўлади. Яъни бундай жамият фуқаролари **ахборот маданиятига** эга бўладилар. Бу жараён инсон фаолиятининг барча жабҳаларига оид бой билимлар, ишончли ахборотлардан тўлиқ ва ўз вақтида фойдаланишни таъминлашга қаратилган комплекс чора – тадбирларни жойларда тадбиқ этишни англатади. Бу компьютерлар ва ахборот тизимлари, маҳаллий ва глобал тармоқлар, интернетнинг умумжаҳон тармоғи, мультимедиа технологиялари ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Информатиканинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- Исталган хусусиятдаги ахборот жараёнларини тадқиқ этиш;
- ахборот жараёнларини тадқиқ этишдан олинган жараёнлар негизда ахборотни қайта ишлайдиган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва янги технологияларини яратиш;
- жамият ҳаётининг барча соҳалари компьютер технологиясидан самарали фойдаланишнинг илмий ва инженерлик муаммоларини яратиш ва тадбиқ этиш ва таъминлашни ҳал этиш.

Информатика ўз ўзича мавжуд бўлмай, балки бошқа соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборий техника ва технологияларни яратишга қаратилган комплекс илмий – техник соҳадир. У бошқа соҳалар ҳатто жараёнлар ва ҳодисалар ноформаллашуви туфай-



Назорат саволлари


1. Объектни жойлаштириш деганда нимани тушунаиз ?
2. Кўриниш режимлари неча хил бўлади?
3. Кўриниш режимлари имкониятлари нимадан иборат?
4. Кўриниш масштабини ўзгартириш учун қайси панелдан фойдаланилади ва у панел қайси тугмалардан иборат? Уларнинг вазифаларини санаб ўтинг?
5. **Менежер обзора(View Manager)** -кўриниш диспетчери нима вазифани бажаради, у қандай тугмалардан иборат?

4) Объектлар билан ишлашнинг биз юқорида оддий, оммабоп усуллари санаб ўтдик.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, **CorelDraw** дастурида бир қанча тушунчалар борки, уларни айтиб ўтмасдан бўлмади.

1. **Линейка**-узунлик ўлчов бирлигида ифодаланган, ишчи муҳитда чизиклар шаклидаги элементларга айтилади. Уларнинг ўлчов бирликлари узунлик ўлчов бирликлари каби бўлади. Лекин, улар узунлик ўлчов бирликларида мавжуд бўлмаган бошқа ўлчов бирликлари ҳам эга. Масалан:**Дюйм (Inches)-2,54 см** га тенг. **Пики ва Пунктлар (Picas; points)-пункт 0,35 мм**га тенг, **пики** эса 12 бирликка тенг. **Пиксели (Pixels)**-графикли расмнинг нуқтаси.

2. **Координата сеткалари**-маълум қадам бирлигидаги горизонтал ва вертикал чизиклар бирлашмаси. Координата сеткаларини ишга тушириш учун **Показать(View)** кўриниш-**Сетка(Gird)** амалларини бажарса кифоя.



11-расм

Объектнинг кўриниш масштабини ўзгартириш учун асосан фойдаланувчилар **Масштаб(Zoom)** панелидан фойдаланадилар.

Масштаб(Zoom) панелини қуйидагича ҳосил қилиш мумкин:

Стандартная панельга сичқонча кўрсаткичи олиб борилиб ўнг тугмаси босилади, чиққан буйруқлар ичидан **Масштаб(Zoom)** танланади.

Масштаб(Zoom) панели қуйидаги тугмалардан иборат:



-масштаб.



-масштабни катталаштиради.



-масштабни кичрайтиради.



-белгиланган объектни катталаштиради.



-белгиланган объектни кичрайтиради.



-саҳифани бутунлайича кўрсатиш.



-саҳифани эни бўйича кўрсатиш.



-саҳифани бор бўйича кўрсатиш.

Объектларнинг саҳифада кўринишини ўзгартириш учун **Менежер обзора(View Manager)**-кўриниш диспетчери ҳам фойдаланилади. Фақат унинг имкониятлари бошқачароқ. Кўриниш диспетчери **Окна (Tools)** меню бўлимидан **Докеры** папкаси очилади ва **Диспетчер видов** буйруғи танланиб очилади—сўнгра **Менежер обзора(View Manager)**-кўриниш диспетчери экраннинг ўнг ёнида чиқарилади. Бу кўриниш диспетчери фойдаланувчига объектларнинг маълум қисмларининг кўринишини эслаб қолиш имконини беради в у қуйидаги бўлимлардан иборат:



-масштабни бир марта катталаштириш имконини беради.



-масштабни катталаштиради.



-масштабни кичрайтиради.



-белгиланган объектни катталаштиради.



-белгиланган объектни кичрайтиради.

ли микдорий услубларни қўллаши мумкин эмас деб ҳисобланадиган соҳаларга ҳам тадқиқот услуб ва воситаларини тақдим этади. Информатикада компьютер техникаси шарофати туфайли амалий рўёбга чиқиши мумкин бўлган математик моделлаш услубларининг ҳал қилинишини алоҳида ажратиш кўрсатиши лозим.

Ахборот технологиялари ривожланишнинг замонавий жаҳон даражаси шундаки, республикада ахборот маконининг инфратузилмалари ва миллий ахборот – ҳисоблаш тармоғи интеграциясига мос келувчи миллий тизимини яратиш иқсодий, бошқариш, фан ва таълим самарадорлигининг муҳим омили бўлмоқда. Бу муаммолар анча мураккаб ва айни пайтда республикамиз учун долзарбдир. 1994 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Концепцияси қабул қилинди.

Ушбу Концепциясининг асосий мақсади ва унда қўйилган масалалар қуйидагиларидан иборат:

1. Ахборотларга товар сифатида ёндошишнинг иқсодий, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларини юритиш.
2. Ахборотларни қайта ишлашда жаҳон стандартларига риоя қилиш.
3. Информатика индустриясини яратиш ва ривожлантириш.
4. Ахборотлар технологияси соҳасидаги фундаментал тадқиқотларни рағбатлантиришни қўллаб -қувватлаш.
5. Информатика воситаларидан фойдаланувчиларни тайёрлаш тизимини мувофиқлаштириш.

Концепциянинг асосий қоидалари ҳисобга олинган «Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш дастури» ишлаб чиқилди, у уч мақсадли дастурни ўз ичига олади:

1. Миллий ахборот – ҳисоблаш тармоғини яратиш;
2. ЭХМ ларни математик ва дастурий таъмилаш;
3. Шахсий компьютерлар билан таъминлаш.

Бу дастур ахборот жамиятини ривожлантирувчи ва унинг тараққиётига асос бўлувчи муҳим восита ҳисобланади. Шу каби, ахборот инсоният тарихида энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлса, жамиятни компьютерлаштириш эса иқсодий таркибий жиҳатдан қайта кўришда асосий ҳаракатлантирувчи кучдир.

Жамиятни ахборотлаштириш, янги ахборот технологиялари билан таъминлаш инсонларнинг турли – туман маълумотларга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим ўрин тутди.

Инсон ахборот олами ичра яшаркан, воқеа - ҳодисалар жараёнларнинг бир – бирига алоқадорлигини, ўзаро муносабатлари ва моҳиятини ташкил этиш, ўз ҳаётдан келиб чиқаётган мураккаб саволларга

илмий жавоб топиш мақсадида кўпдан - кўп далил ва рақамларга мурожаат қилади. Ахборот туфайли назария амалиёт билан бирикади. Амалиёт назариясиз назария эса амалётсиз мавжуд ҳам бўлмайди, ривожланмайди ҳам.

Ишлаб чиқарувчи корхоналаримизнинг асосий мақсади информатика воситаларининг аҳамияти тўғрисида фикр юритиш эмас, балки жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришдаги усул ва воситалар оптимал фойдаланиш тўғрисида тушунчага эга бўлишдир. Мазкур эҳтиёж доим мавжуд бўлаверади ва бирор - бир ахборотли муҳит доирасида қондирилади. «Ахборотли муҳит» тушунчаси ҳозирги кунда информатика масалаларини ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди. Инсониятни ўраб турган муҳит ўз хизматларига кўра турличадир – табиий, сиёсий, ижтимоий, миллий оилавий ва руҳий бўлиши мумкин. Аниқроғи булар ҳар биримиз яшаб турган бир бутун муҳитнинг қизғиларидир.


Мазкур «қизғи» ларнинг марказида ахборотли муҳит туради ва у барча ахборотли одимларни бошқаради: воқеаликнинг моддий ахборотли муҳитини бошқариш воситалари – энергетик томонларини тўлдиради, ривожлантиради ва бунда у турли ижтимоий факторлар билан ҳамбарчас боғлиқ бўлади.

Ахборотли муҳитнинг табиатни тушунишда ахборотнинг билимга айланишини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Жамиятда одамлар ўртасидаги алоқа фактори билимлар ўртасидаги «кўприк» - бу ахборотдир. Демак, билимни «ўзи учун» ахборотга айлантириш механизми ахборотли муҳитни вужудга келтиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Қадимда ахборотли муҳит жуда қашшоқ бўлиб, у тор доирадаги энг керак ва чекли маълумотлар мажмуасидан иборат эди, бу ҳол одамлар орасидаги боғлиқ доирасини минг йиллаб чегаралаб келарди ва одамнинг жамият ахборотли муҳитидаги ҳиссасини камайтириб юборарди.

Бугунги кунда ижтимоий турли кўринишдаги ахборотлар мажмуаси кенг ва ривожланган бўлиб, унинг жамиятда тутган ўрни беҳисобдир. Сўнги йилларда ахборотли муҳитда катта ўзгаришлар бўлиб бормоқда. Ана шу ўзгаришлар қоғозсиз технология заруриятини келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида, ЭҲМ нинг янада кенг ривожланишига сабаб бўлади. Ахборотли муҳитнинг келажакда инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бугунги ҳолатдан анча юқори бўлиши учун бажарилиши лозим бўлган вазифалар кўламини кегайтиришни талаб этади.

Ана шу вазифалар мажмуини информатизация (ахборотлаштириш деб) аташга келишиб олинган. Бунинг маъноси ижтимоий фаолиятини замонавий ЭҲМ ва ахборотли тизими асосида қайта қуриш, ривож-

1. Простой каркас(Simple Wireframe)-қисқартирилган каркас.
2. Каркас(Wireframe)-каркас.
3. Чертёж(Draft)-эскиз.
4. Нормально(Normal)-нормал.
5. Расширенный(Enhanced)-янгиланган.



3-4-5-режим ҳолатида объектлар кўриниши деярли қисман фарк қилади.

Буларнинг ҳаммаси менюнинг **Показать(View)** бўлимида жойлашган бўлади.

1-кўриш режимида объектларнинг ички ва ташқи ранглари, чизик қалинликлари умуман кўринмайди (оқ-қора тасвирда бўлади)


2-кўриш режимида ҳам 1 кўриниш режимидагидек бўлади, фақат бу ҳолатда объект чизик контурлари сақланиб қолади.

3-кўриниш режимида ички ранглари, яъни объектга берилган фонлар бир фонли фонларга айланадилар.

4-кўриш режимида объектнинг тўлиқ чизик ва фон ранглари акс эттирилади.

5-кўриниш режимида объектларнинг кўриниши икки баробар кучайтирилган режимда кўриниб туради.

Объектнинг кўриниш масштабини ўзгартириш учун экран- дан фойдаланиш мумкин(10-расм бу ишларни клавиатурада ва сичқонча ёрдамида ҳам бажариш мумкин).



10-расм

Бу буйруқлар ҳаммаси алоҳида вазифа бажаради. Ҳаммасига тўхталиб ўтирмаймизда, айримларига, яъни бизга керакли буйруқларда тўхталиб ўтамиз.

Группа(Group)-белгиланган объектларни бирлаштиради, яъни битта объектга айлантиради. Разгруппировать(Ungroup)-бирлаштиришни бекор қилади.

Зabloкировать Объект(Lock Objekt)-белгиланган объектни қотириб қўяди, яъни бу объект устида ҳеч қандай ишларни бажариб бўлмайди.


Разблокировать Объект (UnLock Objekt)-қотиришни олиб ташлайди, яъни объект билан биз хоҳлаган ишни бажариш имконига эга бўламиз.

Порядок(Order)-объектнинг бошқа объектларга нисбатан жойлашиш тартибини белгилайди.


Объект ҳолатларини ўрнатиш жараёнида фойдаланувчи кўп ҳолларда

Порядок(Order) бўлимидан фойдаланишига тўғри келади.

Порядок(Order) бўлими қуйидаги буйруқлардан иборат:



Русча варианты



Инглизча варианты

9-расм

На перед(To Front)-белгиланган объектни биринчи ўринга жойлаштиради.

Назад(To Back)-белгиланган объектни охириги ўринга жойлаштиради.

Вперед на один(Forward One)-белгиланган объектни охиридан иккинчи ўринга жойлаштиради.

Назад на один(Back One)-белгиланган объектни юқоридан иккинчи ўринга жойлаштиради.

Спереди(In Front Off)-белгиланган объектни керакли объектга нисбатан асосий ўринга жойлатиради.

Сзади(Behind)-белгиланган объектни керакли объектга нисбатан иккинчи ўринга жойлаштиради.

Объектларнинг экранда кўриниш режимлари билан танишиб ўтамиз. **CorelDraw** дасурида объектларни кўриш режимлари 5 тадан иборат:

лантириш ва самарадорлигини оширишдан иборат. Агар компьютерлаштириш техник муаммоларни ўз ичига олса, ахборотлаштириш комплекс жараён бўлиб, у жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олади ва компьютерлар унинг техник асосинигина ташкил этади, холос.

Республикамизда ахборотлаштириш кенг йўлга қўйилиши билан ундаги ҳар бир фуқарога керакли пайтда, керакли миқдорда, керакли сифатда ахборотни олиш имкониятлари очилмоқда. Республика-миздаги вилоятлар, шаҳарлар, туманларга қарашли корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланиб, улар махсус қурилмалар(телефон тармоғи, модем ва бошқалар) ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш имкония-тига эга бўлмоқда. Инсоннинг иқтисодий, экологик, сиёсий ва бошқа соҳаларда фикрлаш доирасининг кенгайиши ахборотли муҳитнинг сифат ва миқдор жиҳатдан ўзгариши, янги хусусиятга эга бўлган ахборотли муҳитнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Демак ахборотлаштириш вақтинчалик тадбиқ эмас, ривожланиш-нинг зарур воситасидир ва ахборотли муҳитнинг ҳозирги ривож-ланиш даражасидаги ҳолатини информатикасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ахборотларни тез, сифатли йиғиш сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш каби вазифаларни бажаришда ҳисоблаш техникасининг хиз-мати бекиёс эканига ишонч ҳосил қилмоқда.

Жамиятнинг ахборотлашуви деганда замонавий ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситалари асосида дав-лат ҳокимияти, турли вазирликлар, ишлаб–чиқариш корхоналари, маҳаллий ўз–ўзини бошқариш органларининг, ҳамда фуқаро-ларининг ахборотларга бўлган эҳтиёжларини етарли ва тўла қондира оладиган оптимал шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий–иқтисодий ва илмий–техникавий жараён тушунилади.

Ахборотлашган жамиятнинг кўпчилиги аъзолари ахборот, айниқса, унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қай-та ишлаш ва амалга ошириш билан банд бўлаган жамиятдир. Ахборотлашган жамиятга ўтишда коммуникацияли ахборот техноло-гиялари негизида янги ахборотни қайта ишлаш саноати юзага келади. Ҳозирги пайтда шу нарса равшан бўлиб қолмоқдаки, у ёки бу мамлакат XXI асрда муносиб ўрин эгаллаши ва бошқа мамлакат-лар билан иқтисодий мусобақада тенг қатнашиши учун ўз иқтисо-дий тузилиши, устиворликлари бойликлари, институтларни қайта қуриш саноатни ахборот тизимлари талабларига мослаштиришлари лозим.

Бизнинг Республикамиз ҳам мустақиллик туфайли ахборотлашган

жамият томон кириб бормоқда. Бу масала Президентимиз ва ҳукуматимизнинг диққат марказида биринчи масалалар қаторида турибди. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари.

1. “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” (30.05.2002; № УП-3080);
Матн рамкасини чизиш ва ранглаш. Матн рамкасини чизиш учун “**Формат**” меню бандига кириб **Границы и заливка** буйруғи ишга туширилади ва очилган мулоқат ойнасидан оддий рамкалар учун **Граница** ва турли мураккаб рамкалар учун **Страница** банди ишга туширилади ҳамда керакли рамка танланади.Ранглаш учун эса шу



6-расм. Нусха кўчириш

6-топширик

Расмни тўртта қилиб нусхалаш ва ёнма-ён ҳамда тагма-таг жойлаштириш.



Нусха кўчирилгандан кейинги ҳолати

7-топширик

Тўртта қатламда турган расмларга алоҳида қатламлар сифатида қараб ҳар бирига турлича эффектлар бериш. Биринчи қатлам устига сичқонча кўрсатгичини қўйиб чап тугмасини бир маротобо босамиз ва «**Слой**» меню бандига кириб **Эффекты слоя** папкасидан **Атлас** эффектини танлаймиз ва ОК тугмасини босамиз.

Сўнгра сичқонча кўрсатгичини фототасвир ёнига келтириб чап тугмачасини босамиз экранда штамп кўриниши ва ундан маълум масофада тасвир устида плюс(+) шаклидаги белги ҳосил бўлади. Сичқонча кўрсатгичини тасвирда ушбу белгига қараб ҳаракатлантираемиз. Штамп силжиган жойларда тасвирнинг айнан нусхаси ҳосил бўлади.



Тасвирнинг айнан нусхаси.

5-топширик

Фототасвирдан ёки бошқа объектдан нусха кўчириш. Бунинг учун тасвирнинг устига сичқонча кўрсатгичини келтириб қўйиб [Shift]+[Alt]+[Ctrl] тугмалари мажмуасини босиб турилган ҳолда сичқончанинг чап тугмачасини босиб истаган йўналишга ҳаракатлантираемиз ва [Shift]+[Alt]+[Ctrl] тугмаларини қўйиб юборамиз.



Тасвирнинг айланиши

Амаллар бажарилиб сичқонча пастга қараб ҳаракатлантирилгандан кейинги ҳолат(6-расм).

меня бандига кириб **Границы и заливка** буйруғи ишга туширилади ва очилган мулоқат ойнасидан **Заливка** банди ишга туширилади ҳамда керакли ранг танланади

Объект тушунчаси ва улар билан бажариладиган операциялар. Сиз чизган ҳар бир фигура мустақил объект бўлиб ҳисобланади. (хоҳ у чизик ёки **“выноска”** бўлишидан қатъий назар).

Объект бўйича кейинги операцияларни бажариш учун хоҳлаган объектни ажратиш олиш мумкин, бунинг учун кўриниб тўрган жойдан сичқон тугмачасини юргизиш билан бажарилади. Бир нечта объектни ажратиш мумкин, бунинг учун кетма-кет объектларга сичқон тугмачи ва [Shift] клавиши билан биргаликда ажратилади.


Ажратилган объектни янги жойга силжитишингиз мумкин: бунинг учун сичқон билан силжитишингиз ва ўтказишингиз мумкин. Бундан ташқари ажратилган объектнинг ўлчамини ўзгартириш мумкин: бунинг учун мос квадратларни сичқон билан ушлаб, уни кичрайтириш ёки катталаштириш мумкин. Ранг ва чизик кўринишини бериш. Ажратилган объектга чизик ранги ва чизик кўринишини ранг билан тўлдириш учун **Рисование** папкасида ускуналар қаторидаги **“Цвет заливки”**, **“Цвет линии”** тугмаларини босиб керак.

Янги объект, олдин чизилган объектлар устидан чизилади. Айрим ҳолларда, олдин чизилган объектни юқорига ёки пастга беркитиб қўйишга тўғри келади.


Бу икки ҳол учун сичқонча кўрсатгичи объект устига қўйилиб ўнг тугмачи босилади ва ҳосил бўлган контекстли менюдан **Порядок** папкаси очилиб, **“Переместить вперед”** ва **“Переместить назад”** буйруқларидан фойдаланилади, бунинг учун сизни қизиқтираётган объектни ажратиш ёддан чиқмаслиги керак. Бундан ташқари ҳар иккала объектни иккаласининг ярми билан туташтириб бир-бирининг олдида ёки ортига алмаштириб қўйиш мумкин. Бунда **“На передний план”** ва **“На задний план”** буйруқларидан фойдаланилади. Объектлар матнлар устига ёки ортига жойлаштирилганда иккала вариантда **“Поместить перед текстом”** **“Поместить за текстом”** буйруқларидан фойдаланилади.

Объектни трансформация қилиш. Объектнинг ўлчамини ўзгартириш, уни силжитишдан ташқари, объектни яна ўзгартириш имкониятлари мавжуд.

- объектни вертикал кўринишда тасвирлаш;
- объектни горизонтал кўринишда тасвирлаш;
- 90 градус бўйича уни буриш;
- объектнинг шаклини ўзгартириш (фақат кўпбурчаклар учун).




4-расм. Ишлов берилгандан кейинги ҳолати.



Бундан ташқари қуйидаги тугмалар ёрдамида ҳам бажарилади. (“Повернуть вниз”, “Повернуть вверх”, “Повернуть влево”, “Повернуть вправо”).

Бу тугмачалар Рисование папкасида бўлиб, улар Word ишчи ойнасининг пастки қисмида жойлашган. Улар қуйидагилар:



4-топширик




Фототасвирни айнан нусхалаш. Фототасвирни айнан нусха лаш учун ихтиёрий тасвирни ишчи ойнасида очамиз ва ёнидан унинг нусхасини ҳосил қиламиз.

Бажариш тартиби: «Файл» меню бандидан **Открыть** буйруғи ёрдамида компьютер хотирасида мавжуд ёки бирор маълумот киритувчи(сканер) орқали, ёки бирор маълумот ташувчилар (**CD-R, DVD-R, Flash** диск) орқали киритилган расмлардан бирини очамиз (5-расм) ва ускуналар панелидаги **Штамп (Штамп копии)** ускунасини активлаштириб тасвир устига сичқонча кўрсатгичини келтириб **[Alt]** тугмачасини бир мартоба босамиз.




5-расм. Тасвирнинг дастлабки кўриниши.



ектнинг бир бўлагини қирқиб олиб биринчи объектга олиб ўтиб жойлаштирамиз ва қатламларни бирлаштириб янги объект ҳосил қиламиз.



-  -объектни қуйига бураш;  -объектни юқорига қараб бураш;
-  -объектни чапга бураш;  -объектни ўнгга бураш;
-  -“Меню объём Глубина”-объектнинг ҳажми бўйича чуқурлигини аниқлайди;
-  -“Меню объём Направление”-объектнинг ҳажми бўйича йўналишини кўрсатади;
-  -“Меню объём Освещение”-объектнинг ҳажми бўйича ёритиш ;
-  - “Меню объём Поверхность”-объектнинг ҳажми бўйича сиртидан кўринишини тасвирлаш ҳолатлари(каркас, матовая, пластик, металл);
-  -“Цвет объёма”-объектнинг ҳажми бўйича сиртидан ранг кўринишини тасвирлаш;

Юқорида қайд этилган тугмачалардан фойдаланиб объектлар устида баъзи график амалларни бажарамиз. Қуйида олтибурчакли кўпбурчакни қараймиз






Фонли расм. Икки турдаги расм бўлиб, улар: фонли расм ва чизилган объект расмидир, фонли расм бевосита қоғозда тасвирланган, чизилган объект эса расм бўйича эркин силжиши мумкин.

Чизилган объект. Чизилган объектни яшаш учун “Вставка” меню банди **Рисунок** пакасида “Создать рисунок” буйруғини ишга тушириш керак. Экранда расм солиш қисми пайдо бўлади.

Бу соҳани ўлчамларини ўзгартириш расм чизиладиган рамканинг чап ёки ўнг юқори бурчагига сичконча кўрсаткичини келтириб қўямиз ва ўнг тугмачасини босамиз.Экранда контекстли меню ҳосил бўлади ва улардан “Показать банд инструментов полотна” тугмаси билан расм чизиладиган соҳа ўлчамларини коррективировка қилиш мумкин. Сўнгра ушбу соҳага чизилган объектларни контекстли менюдаги **Группировка** пакасига кириб группалаш ва қайта группалаш ҳамда группалашни бекор қилиш мумкин.



Кадр тушунчаси. Яна бир имконият, бу-кадр. Кадр-бу текст ва гра-



6-Расм. Табиат манзараси (кўл бўйида).

Ушбу табиат манзарасини танлаб оламиз. «Фильтр» меню банди **Сжигение** буйруғидан фойдаланиб тоғ манзараларини ўзгартирамиз ва қуйидаги манзарани ҳосил қиламиз.




7-Расм. Чузиш, эгиш




8-расм. Тундлаштириш(ғуборлаштириш)


Қуйида берилган расмлардан фойдаланиб иккинчи расмдан объ-



3-рasm. Вывчитание буйруғи ишга туширилгандан кейинги ҳолат.



4-рasm. Қирқиб олинган қисм



5-рasm. Қирқиб олингандан кейинги манзара.

3-топширик

фикани жойлаштирувчи экран қисми. У билан ишлаш чизилган объектга кўра осонроқдир. “Вставка кадра” тугмасини босганда экранда тўғри бурчакли қисм пайдо бўлади. Сиз ўнга текст ёки расм киритишингиз мумкин. Ундан ташқари, уни чегараларини сичқон билан ушлаб янги жойга ўтказишингиз мумкин, битта квадратни ўтказиш билан унинг ўлчамини узгатириш мумкин. Кадрга утиш учун, бутун кадрни ажратиб икки марта сичқон тугмасини босиш керак.

Ҳужжатга расм қўйиш.

Word ёрдамида ҳужжатларни, график дастурлар ёрдамида ясалган расмлар билан иллюстрация қилиш мумкин.

Ҳужжат матнига, кадр ёки жадвалга расмни қўйиш мумкин. Ҳужжатга иллюстрацияни жойлаштириш-бу матнга тўғридан-тўғри расм жойлаштириш демакдир.

Расмни матнга қўйиш. Расмни матнга қўйиш куйидаги усул билан бажарилади.

- “Вставка” меню бандини очинг;
- “Рисунки” расм яшаш дастурсини ишга тушининг;
- “Вставка/Объект” командасини бажаринг.



Ҳужжатда расм файли катта жойни эгаллайди. Унинг ўлчамини кичрайтиришда куйидагиларни бажаринг.

Расм устига сичқонча кўрсатгичини қўйиб бир марта чап тугмасини босиб уни активлаштининг ва исталган бурчагида ҳосил бўлган тугмачага ўхшаш белги(маркер)га сичқонча кўрсатгичини келтириб чап тугмачасини босинг. Уни қўйиб юбормасдан расмни кичрайтининг.

Расмни кадрга қўйиш. Кадрга расм қўйиш учун “Рисование” инструментлар бандидаги “Надпись” тугмачасига сичқонча кўрсат-

гичини келтириб унинг чап тугмасини босинг. Агар экранда расм банди булмаса, у ҳолда “**Вид/Панель инструментов**” командаси билан чиқарилади.


Кейин эса расмни танлаб курсорни кадр ичига ўрнатиб, “**Копирование/ Вставка**” командасини бажаринг.



Кадрга матн ва графикаларни қўйиш (ўрнатиш). Кадрни яшаш (тузиш) учун объектни ажратиш керак ва “**Вставка/Создать рисунок**” командаси бажарилади. Кадрга қўйилган расмни варақ бўйича силжитиш мумкин. Агар кадр хужжатга расм қўйилгандан кейин ясалган бўлса, у ҳолда кадр расм ўлчамини олади. Агар расм бор кадрга қўйилган бўлса, у ҳолда расм кадр ўлчамини қабул қилади. Кадрга жадвални ҳам қўйиш мумкин. Кадрга жадвални қўйишдан олдин бу жадвални ёки алоҳида қаторларни ажратиб олиш керак.

Кадрларни йўқотиш. Кадрни йўқотиш учун уни ажратиб олинади, сўнгра [Del] тугмасини босиш керак. Ҳар бир киритилган объект, кадрга қўйилишидан олдинги ахборотни сақлайди. Кадр йўқотилганда барча қўйилган объектлар, кадрга қўйилгунча қаерда турган бўлса, ўша абзацнинг бошига қайтади.

Word матн муҳарририда тузилган жадвал маълумотлари билан ҳисоб ишларини амалга ошириш. Word матн муҳаррири да тузилган ҳар қандай жадвал маълумотлари билан ҳисоб ишларини амалга ошириш мумкин. Бунинг учун менюнинг **Таблица** бўлимига кириб **Формула** буйруғидан фойдаланамиз. Бундай амаллар жадваллар ичида амалга оширилади. Демак дастлаб биз менюнинг **Таблица** бўлимига кириб **Таблица- Вставка-Таблица** амаллари кетма-кетлигини бажариб жадвал тузиб оламиз (6x10). Сўнгра бешта устунни ва 9 та қаторни турли рақамлар билан тўлдириб чиқамиз. Олтинчи устунда ва ўнинчи қаторда турли амалларни бажарамиз. Бажарилган амаллар рўйхатини жадвалдан қуйида келтириб ўтамиз.



1-расм. Lake_moraine (кўл бўйида)

Сўнгра «**Фильтр**» меню бандига кириб, **Вычитание** (айириш, ажратиб олиш) буйруғини бажарилишга узатамиз. Экранда **Extract** (кўчирма, парча) мулоқат ойнаси ҳосил бўлади. Унинг чап ён томонида қуйидаги усқуналар жойлашади:

- 1). Қалам-бўяш ёки белгилаш учун;
- 2). Заливка-рангни қуйиш-тўкиш ёки бирданига тўлиқ бўяш;
- 3). Ластик-ўчиргич;
- 4). Лупа-тасвирни катталаштириш(+) ёки кичиклаштириш(-) ва бошқа усқуналар.

Ўнг ён томонида қуйидаги буйруқлар ўз ифодасини топади:

Ок тугмачаси босилса ушбу амаллар бажарилишга узатилади; **Cancel** тугмачаси босилса эса амаллар бажарилиши инкор қилинади.

Кейин **Toll Options** (эркин усқуна) бўлимига кириб ишлатилаётган усқунанинг **Brush Size** (кисть ўлчами) ўлчамини ва навбатдаги бўлимдан рангини ҳамда фонини танлаб олиб унга ишлов беришимиз мумкин.



2-расм. Шаклнинг ажратиб олинган қисми.

кириб (640x480) ёзувини танлаймиз. Сўнгра **режим: «Черно-белое»** ; **Содержание : «Белое»** параметрларини ўрнатиб, [Ок] тугма- сини босамиз, экранда биз танлаган ойна ҳосил бўлади. Ускуналар панелидан «**Пользовательский ускуна форма(U)**» тугмачасига сичқонча кўрсаткичини келтириб чап тугмасини босамиз ва ускуналар қаторидан керакли формани танлаб, ушбу кўринишли соҳани ҳосил қиламиз. **ARXITEKTOR** ёзувини горизантал қуйига ёйсимон (**уменьшение дуга**) шаклда жойлаштириш учун текст ўлчамини 43 қилиб танлаймиз. Сўнгра сичқончанинг ўнг тугмасини босиб ҳосил бўлган контекстли менюдан «**Деформация текста**» буйруғини ишга туширамиз ва экранда «**Искажение текст**» мулоқат ойнасидан «**Стиль**»га **уменьшение дуга** ва «**Горизанталь**» ёзувларини танлаб [Ок] тугмасини босамиз, кейин танланган матнни ёзамиз.




2-топширик

1. **Adobe Photoshop** редакторини ишга юкланг бирорта манзарани ишчи ойнага чақириб олинг ва «**Фильтр**» меню банди **Вычитание** буйруғидан фойдаланиб унинг бирор бўлагини қирқиб олинг.

Бажариш тартиби: **Вычитание** буйруғидан фойдаланиб расмга ишлов берамиз. Бунинг учун «**Файл**» меню банди **Открыть** буйруғидан фойдаланиб керакли объектни чақириб оламиз.

A	B	C	D	E
12	20	16	201	402
18	44	62	101	
102	84	47	212	
65	77	86	88	
43	34	105	66	
74	32	12	5	
1	23	12	89	
93	34	45	31	
0	6	8	10	

Амалларни бажариш учун Таблица бўлимига кириб Формула буйруғини ишга туширамиз



Экранда қўйидаги мулоқат ойнаси ҳосил бўлади:

Формула каторида керакли формулаларни ёзамиз ва ОК тугмачасини босишимиз билан ушбу амаллар бажарилади. Агарда бирор функцияни танламоқчи бўлсак **Вставить функцию** бўлимига кириб керакли функцияни танлаймиз ва қайси катакчалар диапозонида амаллар бажарилиши зарур бўлса ўша диапозонни кўрсатамиз. Устунлар лотин алифбосининг ҳарфлари орқали ва сатрлар эса ўсиб бориш тартибида араб рақамлари орқали кўрсатилади.

Мисол. 1) E1 катакчага курсор келтирилиб **Таблица-Формула** буйруқлари кетма-кет бажарилади ва очилган мулоқат ойнасига $= (A1+B1)/C1*D1$ формуласи киритилади, ОК тугмачаси босилади E1 катакчада 402 сони ҳосил бўлади.

Диаграммаларни тузиш


Microsoft Graf кўрсатмалари ёрдамида **Стандартный** бўлимидан 14 турдаги ва **Нестандартный** бўлимидан 20 турдаги диаграммаларни тузиш мумкин.

Бунинг учун матнли ва сон маълумотларни жадвалга киритиш керак. Диаграмма тузиш учун **“Вставка/Объект”** командаси бажарилади ва **Диаграмма Microsoft Graph**да объект типи танланади. Диаграммада стрелкалар, сарлавҳалар легендалар каби элементларни қўйиш мумкин. Диаграммани тузишнинг энг қулай усули будиаграмма мастерида фойдаланишдир. Қўшишда, диаграмма ажратилади ва унинг устига сичқон тугмаси қўйилади ва ўнг тугмаси бир марта босилгандан сўнг қўшимча контекстли меню ҳосил бўлади. Ундан **“Объект диаграммы”** буйруғи танланади ва ишга туширилади. Сўнгра **изменить, открыт ва преобразовать** командаларидан бири танланиб бажарилади. Агар сарлавҳа ва маълумотлар белгиларини қўйиш керак бўлса, **открыть** командаси бажарилади.

Истеъмолчи ўзининг хоҳишига кўра диаграмма типини ўзгартириши мумкин. Бунинг учун **открыть** командаси бажарилгандан кейин **“Диаграмма”** менюсидан **“Тип Диаграммы”** командаси танланади ёки инструментлар бандида **“Тип Диаграммы”** тугмаси босилади.


Очилган **“Тип Диаграммы”** мулоқот дарчасида диаграмма типи (чизикли, айлана ва ҳ.к.) ва ОК тугмаси босилади ОК тугмаси босилгач, MS Graph дастурсининг дарчаси очилади, қайсики у бир қанча диаграммани ўз ичига олади. Бу дарчада 2та дарча бўлиб: жадвал дарчаси ва диаграмма дарчасидир.

очилади. Биз **«Имя»** деган жойида файл номини кўрсатамиз: масалан **Sherzod**; сўнгра ўлчамларини танлаймиз **«Стандартные размеры»** ойнасига кириб **(1280x720)** ёзувини танлаймиз. Кейин режим: **«Черно-белое»** ; **Содержание :«Цветные»**. Параметрларини ўрнатиб, **[Ок]** тугмасини босамиз, экранда биз танлаган ойна ҳосил бўлади. Усуналар панелидан керакли эллипсни танлаб, ишчи ойнасида эллипсли соҳани ҳосил қиламиз. **ARXITEKTOR** ёзувини горизонтал арка шаклида жойлаштириш учун текст ўлчамини 43 қилиб танлаймиз. Сўнгра сичқончанинг ўнг тугмасини босамиз ва ҳосил бўлган контекстли менюдан **«Деформация текста»** буйруғини ишга туширамыз. Экранда **«Искажение текст»** мулоқат ойнасидан **«Стиль»**га арка ва **«Горизонталь»** ёзувларини танлаб **[Ок]** тугмасини босамиз, кейин танланган матнни ёзамиз.




3) Дастурни ишга туширганимиздан сўнг **«Файл»** меню бўлимига кириб **«Новой»** буйруғини бажарилишга узатамиз ёки **[CTRL+N]** тугмачалари мажмуасини ишга туширамыз. Натижада янги файл номини ва параметрларини кўрсатиш учун мулоқат ойнаси очилади. Биз **«Имя»** деган жойида файл номини кўрсатамиз: масалан **Sanjar** ; сўнгра ўлчамларини танлаймиз **«Стандартные размеры»** ойнасига


экранда биз танлаган ойна ҳосил бўлади.



Ускуналар панелидан «Ускуна форма(U)» тугмачасига сичқонча кўрсаткичини келтириб чап тугмасини босамиз ва ускуналар қаторида унинг форма белгилари ҳосил бўлади керакли рамкани танлаб ишчи ойнада ушбу шаклни ҳосил қиламиз. **ARXITEKTOR** ёзувини вертикаль ёйсимон шаклда жойлаштириш учун текст ўлчамини 43 қилиб танлаймиз. Сўнгра сичқончанинг ўнг тугмасини босиб ҳосил бўлган контекстли менюдан «Деформация текста» буйруғини ишга туширамиз ва экранда «Искажение текст» мулоқат ойнасидан «Стиль»га дуга(ёй) ва «Вертикаль» ёзувларини танлаб [Ок] тугмасини босамиз ва текстни ёзамиз.



2) Дастурни ишга туширганимиздан сўнг «Файл» меню бўлимига кириб «Новый» буйруғини бажарилишга узатамиз ёки [CTRL]+[N] тугмачалари мажмуасини ишга туширамиз. Натижада янги файл номини ва параметрларини кўрсатиш учун мулоқат ойнаси



Microsoft Word Art ёрдамида маттни расмийлаштириш. Ҳужжатга қўйиладиган Word Art объектини қўйиш қуйидагича амалга оширилади:

- Киритиш курсорини «Рисование» ускуналар қаторидаги «Добавить объект WordArt» тугмачасига келтириб уни босинг;
- «Коллекция Word Art» диалог дарчасидан ўзингизга ёққан тасвирни танланг ва ОК тугмасини босинг.



- Матн ўрнида «Текст надписи» диалог дарчаси очилади ва «Изменение текста Word Art» дарчасига маттни киритиб, уни расмийлаштирилади. ОК тугмаси босилгач, расмийлаштирилган текст ишчи соҳада пайдо бўлади.

Информатика

- “**Word Art**” объект ўлчамини, хоҳлаган 8та маркерни силжитиш билан ўзгартириш мумкин.

“**Word Art**” ускуналар банди тугмалари матн учун қуйидагиларни ўзгартириб бериши мумкин:

- ёзиш стили (матн айлана, диагональ, бурилиш ва ҳ.к.);
- гарнитура, ўлчам, шрифт хилини (тик, ётиқ);
- белгиланган ўқ бўйича матнни айланиши;
- 90 градусга белгиларни бурилиши;
- белгилар оралиги масофасини ўзгартириш ва чўзиш;

“**Word Art**” ускуналар бандидаги “**Форматирование Word Art**” тугмаси график объектларни форматловчи диалог дарчасини очиб беради, унда чизик параметлари; фонни тўлдириш, ўлчамлар кабилар ўрнатилади.

MS Wordнинг бошқа дастурлар билан боғлиқлиги

MS Word электрон жадвал ёки маълумотлар базаси ва Word ҳужжатлари маълумотлари орасида динамик алоқа қилиш имкониятига эга.

Бунда объект ҳужжатга татбиқ этилади ёки у билан боғлайди. Татбиқ этилишни қўллаганда “**Вставка/Объект**” танланади ва “**Создание**” ёки “**Создание из файла**” вкладкасида, файл танланади, “**Связь с файлом**” байроқчаси туширилади ва ОК тугмаси босилади.

Ҳужжатни объект билан боғлаш учун **Word** ҳужжатида ўтилади ва “**Правка/Специальная**” вставкаси танланади “**Связать переключатели**” ўрнатилади ва боғланиш усулини кўрсатиб ОК тугмаси босилади.

Мисол.


1.**Word** матн редактори “**Вставка**” менюсига кириб **Объект** буйруғини ишга туширамиз, экранда қуйидаги мулоқат ойнаси ҳосил бўлади.

ўлчамларини **Latter** ўлчамида танлаб олинг ва тағфонини шаффофранг қилиб танланг. Ҳосил қилинган ишчи ойнада тўртбурчакли рамканинг расмини чизинг, унинг ичига **ARXITEKTOR** ёзувини вертикаль ёйсимон шаклда ёзиб фигура ўртасига жойлаштиринг.

2. Янги ишчи ойна очинг, уни ўз исмингиз билан номланг, ойна ўлчамларини (1280x720) ўлчамида танлаб олинг ва тағфонини рангли қилиб танланг. Ҳосил қилинган ишчи ойнада ускуналар панелидан фойдаланиб эллипс кўринишидаги соҳани ҳосил қилинг, унинг ичига **ARXITEKTOR** ёзувини горизонталь арка шаклида ёзиб фигура ўртасига жойлаштиринг.

3. Янги ишчи ойна очинг, уни ўз исмингиз билан номланг, ойна ўлчамларини (640x480) ўлчамида танлаб олинг ва тағфонини рангсиз қилиб танланг. Ҳосил қилинган ишчи ойнада ускуналар панелидан фойдаланиб эллипс кўринишидаги соҳани ҳосил қилинг, унинг ичига **ARXITEKTOR** ёзувини горизонталь қуйига ёйсимон (**уменьшение дуга**) шаклида ёзиб фигура ўртасига жойлаштиринг.

Бажарилиш тартиби: 1) Дастурни ишга туширганимиздан сўнг «**Файл**» меню бўлимига кириб «**Новый**» буйруғини бажарилишга узатамиз ёки **[CTRL]+[N]** тугмачалар мажмуасидан фойдаланамиз. Натижада янги файл номини ва параметрларини кўрсатиш учун мулоқат ойнаси очилади.



Биз «**Имя**» деган жойида файл номини кўрсатамиз: масалан **Sanjar**; сўнгра ўлчамларини танлаймиз «**Стандартные размеры**» ойнасига кириб **Latter** ёзувини танлаймиз. Сўнгра **режим:** «**Черно-белое**»; **Содержание:** «**Прозрачный**». Кейин **[OK]** тугмасини босамиз ,

- a). 
- b). 
- c). 

15. Масштаб ускунасининг вазифаси нима?

- a). Катталаштириш, кичиклаштириш
- b). Тўғри чизик чизиш
- c). Матнларни киритиш

16. Дастурда ранглар билан ишлаш учун нечта ускуна ажратилган?

- a). 2 та
- b). 4 та
- c). 6 та

17. Холстни бошқаришда қайси буйруқ ишлатилади?

- a). Размер холста
- b). Режим
- c). Перевернуть холст

18. ушбу тугманинг вазифаси кўрсатинг?

- a). Тасвирдаги ёрқинлик пасаяди
- b). Тасвирдаги ёрқинлик ортади
- c). Тасвирдаги ёрқинлик ўзгармайди

19. Adobe Photoshop дастуридан чиқишда қайси тезкор тугмалар ишлатилади?


- a). ALT+F6
- b). ALT+F8
- c). ALT+F4

Photoshop дастуридан фойдаланиб амалий топшириқларни бажариш учун наъмуналар


1-топшириқ


Photoshop дастуридан фойдаланиб турли шаклли ёзувларни фигуралар бўйлаб ҳосил қилиш:

1. Янги ишчи ойна очинг, уни ўз исмингиз билан номланг, ойна



Бу мулоқат ойнасидан керакли объектни танлаб **ОК** тугмасини босамиз ва куйидаги **MS Word**нинг бошқа дастурлар билан боғлиқ **Corel Draw X3** векторли графика билан боғланган ойнасига эга бўламиз. Бу ойна ёрдамида биз фигурани чизамиз **Corel Draw X3** векторли графика қуроллар бандидан **Эллипс** ускунаси ёрдамида иккита эллипс чизамиз ва **Интерактивное перетекание** ускунаси ёрдамида оқимли акслантирамиз ва сариқ ранга бўяймиз.





Боғланган информация берилган кўрсатма бўйича ўзгаради. Агар ҳужжат очилган бўлса, у ҳолда уни янгилаш учун “**Правка/Связи**” танланади ва “Обновить” тугмаси босилади.

Электрон жадвални импорт қилиш. Word эффектив жадвалларни тузиш имконига эга ва уларда қийин бўлмаган ҳисобларни бажаради. Аммо Word жадвал маълумотларини қайта ишловчи махсус дастурлар билан беллаша олмайди. Масалан, сиз қийин жадвал туздингиз ва Word документиға қўшмоқчисиз, бунда матн муҳаррирларининг имкониятлари етишмайди.

MS Office да иккита энг яхши дастурни яъни Excel жадвал муҳарири ҳисоблаш қуввати Word ҳужжатларидаги ҳисобларни бирлаштириши мумкин.

Excel файлларини импорт қилиш учун қуйидаги процедураларни бажаринг.

1. “**Вставка/Файл**” ни танланг. Экранда диалог дарчаси “**Вставка файла**” пайдо бўлади.
2. “**Тип файлов**” рўйхатидан “**Все файлы**”ни танланг. Керакли файлни сақлаган папкаға ўтинг ва 2 марта сичқон тугмасини электрон жадвалнинг файл белгисига босинг.
3. “**Вся книга**” нинг берган фикриға қўшилиг ёки бўлмаса рўйхатдан ишчи варақни танланг. ОК тугмасига босинг. Word ўзгартиришни қачонки тўхтатса, курсор позициясида ҳужжатда янги жадвал пайдо бўлади.

Электрон жадвалларни бошқа импорт қилиш усули ҳам мавжуд.

Аввал Excel нинг керакли ячейка диапазонини алмаштириш буферига нусхаланади, бунинг учун “**Правка/Копировать**” командаси ишлатилади, сўнгра MS Word га ўтилади ва “**Правка/ Специальная**

7. Қуроллар панелини ўрнатишда қайси буйруқдан фойдаланилади?

- а). Установка Страницы
- б). Настройка ускунаа
- с). Предпочтения

8. Тасвир юзини асосий ранг билан бўяшда қайси буйруқ ишлатилади?

- а). Настройка цвета
- б). Залить
- с). Трансформ

9. Дубликат буйруғининг вазифаси?

- а). Тасвир рангларини созлаш
- б). Ранг моделларини ўзгартириш
- с). Тасвирдан нусха олиш

10. Тасвирларни белгилашда қайси тезкор тугма ишлатилади?

- а). CTRL+A
- б). CTRL+R
- с). CTRL+S

11. Интернет билан боғланишда қайси буйруқ ишлатилади?

- а). Импорт
- б). Экспорт
- с). Adobe online

12. Adobe Photoshop дастурида тасвирнинг реал ўлчами неча % ни ташкил этади?

- а). 100%
- б). 150%
- с). 200%

13. Adobe Photoshop дастурида энг кўп ишлатиладиган форматларни кўрсатинг?

- а). Doc,txt,bmp,bat
- б). Bmp,Jpeg,Tiff,Gif
- с). Jpeg,bat,bak,txt.

14. Тасвирға матн киритиш учун қайси ускуна ишлатилади?


- Тасвир рангини ўзгартиринг;
 - тасвирни экрандаги кўринишини катталаштиринг;
 - тасвир ранги ёрқинлигини орттиринг;
 - тасвирга мос матн киритинг;
 - тасвирни 90° га буринг;
 - тасвирнинг кераксиз қисмларини олиб ташланг.
4. Ушбу тасвирни янги ном остида сақланг.
5. **Adobe Photoshop** дастуридан чиқиш.

Тест саволлари

1. **Adobe Photoshop** дастури қандай ишга туширилади?
 - а). Пуск-Программы-Стандартный-Adobe Photoshop
 - б). Пуск-Программы-Adobe Photoshop
 - в). Пуск-Программы-Автозагрузка-Adobe Photoshop
2. **Adobe Photoshop** дастурининг вазифаси нимадан иборат?
 - а). Матнларни ҳосил қилиш ва таҳрирлаш
 - б). Тасвирларни ҳосил қилиш ва таҳрирлаш
 - в). Фототасвирларни ҳосил қилиш ва таҳрирлаш.
3. **Компьютер графикаси** неча турга бўлинилади?
 - а). 4 та
 - б). 3 та
 - в). 5 та
4. **Новый буйруғининг** вазифаси нимадан иборат?
 - а). Матнларни ҳосил қилиш ва таҳрирлаш
 - б). Янги файл очиш.
 - в). Фототасвирларни ҳосил қилиш ва таҳрирлаш.
5. **Фототасвир билан** ишловчи дастур номини кўрсатинг?
 - а). Power point
 - б). Corel Draw
 - в). Adobe Photoshop
6. **Adobe Photoshop 11** дастури менюси неча қисмдан иборат?
 - а). 9
 - б). 8
 - в). 10

вставка” танланади.

Объектни ҳужжатга қўйинг, худди “RTF” форматидаги матн каби, бу у билан жадвал каби ишлашингизга имкон беради.



Word га ўтказилган ҳолати.

22	223	16	261
12	23	45	80
34	56	76	166
35	46	67	148
103	348	204	655

Назорат саволлари

1. Word да тўғри чизик, тўғри тўртбурчак ва эллипсларни чизиш қандай амалга оширилади
 1. Объектни трансформация қилиш деганда нимани тушунаси?
 2. Ҳужжатга расм қўйиш Word да қандай амалга оширилади?
 3. Word матн муҳарририда тузилган жадвал маълумотлари билан ҳисоб ишларини амалга ошириш тартибини изоҳланг?.
 4. Excel да диаграммаларни тузиш тартиби қандай?.
 5. Microsoft WordArt ёрдамида матнни безаш тартиби?.
 6. MS Word нинг бошқа дастурлар билан алоқалари қандай ўрнати-

лади?

Тест саволлари

1. Word дастури нима учун мўлжалланган?

- a). Матнли маълумотларни қайта ишлайдиган дастур
- b). Фото тасвирларни қайта ишлайдиган дастур
- c). Жадвалли маълумотларни қайта ишлайдиган дастур
- d). Интернет хизматини кўрсатувчи дастур

2. Матн муҳаррирлари тўғри келтирилган қаторни кўрсатинг?

- a). MS-DOS, Norton Commander, Windows 95, Windows 98
- b). MS-DOS, Windows 96, Windows 98, Windows 2000, Net Were, Windows NT, Unit, CP/M, TR DOS
- c). Lexicon, Microsoft Word, Блокнот
- d). Wd.com, Super Calk 4, Microsoft Excel, Ms Access

3. Microsoft Word матн муҳарририда киритилган маълумотни дискка ёзиш тартиби тўғри келтирилган қаторни танланг?

- a). Меню/ Файл/ Сохранить как/ Файл номи/ Сохранить
- b). Меню/ Правка/ Сохранить как/ Файл номи/ Сохранить
- c). Меню/ Сохранить/ Файл номи/ Сохранить
- d). [Ctrl]→[F1] тугмачалар мажмуаси ёрдамида

4. Word дастури менюси тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- a). Файл, Правка, Вид, Вставка, Формат, Сервис, Данные, Окно, Справка
- b). Файл, Правка, Вид, Вставка, Формат, Сервис, Расположение, Окно, Справка
- c). Файл, Правка, Вид, Вставка, Формат, Сервис, Показ слайдов, Окно, Справка
- d). Файл, Правка, Вид, Вставка, Формат, Сервис, Таблица, Окно, Справка

5. Word дастурида файлни принтерда чоп қилиш учун қайси тугмачани ишлатиш мумкин?

- a). Ctrl→P
- b). Ctrl→R

Қатламлар билан ишлаш. Adobe Photoshop дастури тасвирдаги бирор объект **Прямо- угольная Область, Эллиптическая Область, Лассо, Волшебная Палочка, Быстрая Маска** ёрдамида тасвирдаги деталлар белги- ланиб уларнинг нусхалари **Adobe Photoshop** дастурида янги қатлам ҳосил қилади. Бу қатлам алоҳида объект бўлиб, уни таҳрир қилиш ҳам алоҳида тарзда бўлади. Бир неча тасвирлардаги айрим деталларни ягона тасвирга жамланганда **Adobe Photoshop** дастури кўчириб ўтилган тасвир бўлакларини қат ламларга ажратади. Айни жараён тасвир деталларини жойлаш- тириш учун жуда қулай. Бир неча қатламлар билан ишлаганда уларни бошқариш қийинлашади. **Adobe Photoshop** дастури бажарилганда янги дарча ҳосил бўлади. Бу дарчада тасвирдаги янги қатламлар ҳақидаги ахборотлар жойлашган. Янги қатлам ҳосил қилинганда **Adobe Photoshop** дастури уни **Слой** дарча- сида рўйхатга олади. Бу дарчада қатламлар тартибли тарзда жойлаштирилади. Шунингдек, қатламалрнинг ўрнини алмаштириш ёки вақтинча ўчириб қўйиш мумкин. Қатламларни ўчириш учун аввал керакли қатлам **Слой** дарчасида белгилаб олинади ва менюлар сатрида **Слой** менюси таркибидаги **Удалить Слой** буйруғи танланади. Қатламларни бир-бирига бир- лаш тириш имконияти ҳам мавжуд.

Матнлар билан ишлаш. Adobe Photoshop дастури тасвирлар устига матнларни киритиш учун яна бир кенг имкониятни очиб беради. Тасвир устига матн киритиш учун ускуналар панелида махсус

Т.Текст ускунаси мавжуд. Бу ускуна, асосан, тасвирга турли мантларни киритиш учун хизмат қилади. **Текст** ускунаси тиркибида **Горизонтальный текст, Вертикальный текст** каби ускуналар яширинган. Бу ускуналар активлаштирилиб, курсор тасвир устида бир марта босилиши билан янги **Тестовый** ускуна дарчаси ҳосил бўлади. Бу ускуналар фақат матнлар тузиш учун хизмат қилади. Унинг ёрдамида мавжуд матнларни таҳрир қилишнинг иложи йўқ.

Филтрлар билан ишлаш. Adobe Photoshop дастурида тасвирни қўшимча эффектлар билан бойитиш учун филтрлардан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун менюлар сатрида **Филтр** меню банди таркибига бриктирилган филтрлардан фойдаланишингиз мумкин..

Амалий топшириқ

- 1. **Adobe Photoshop** дастурини юклаш.
- 2. **Adobe Photoshop**да тайёр тасвир файлини танланг.
- 3. Файл устида ускуналар панели ва палитра ёрдамида қуйидаги амалларни бажаринг.

У- сариқ ранг

К- қора ранг.

Босма машиналари ва босмахоналарда тасвирлар юқорида келтирилган рангларнинг комбинациясидан фойдаланган ҳолда тўла тасвирни ифодалайди.

Rgb ранглар мажмуасида оқ ранг учала рангларнинг максимал аралашмасидан ҳосил қилинади. Қора ранг эса ўлароқ бунинг аксида олинади.

Cmyk ранглар мажмуаси билан ишлаганда қора ва оқ рангларни ҳосил қилиш учун бунинг аксини бажариш лозим. Яъни тўрт рангнинг минимал қўшилишида оқ ранг ҳосил бўла- ди. Қора ранг эса алоҳида каналда мавжуд.

Rgb ранглар мажмуи кенг қўламдаги рангларни таклиф этади. Лекин уларнинг кўп қисми (айниқса, ёркинлари) тасвирни чоп этганда монитордаги билан кескин фарқ қилади. Шу боис ҳам кўплаб мутахассислар тасвирни чоп этишдан аввал уни **Cmyk** системасига ўтказадилар. Айрим мутахассислар эса тасвир билан **Cmyk** системасида ишлашни маслаҳат бера- дилар. Аммо бу тасвир билан ишлаш турли қийинчиликлар туғдиради. Айни шундай қийинчи-ликлардан бири—компьютер жуда секин ишлайди. Бунга асосий сабаб **Adobe Photoshop** дастури **Rgb** системасига созланган бўлиб, ҳар бир буйруқни бажариб, уни **Rgb** системасидан **Cmyk** системасига алмаштир- гунча компьютер қўшимча вақт талаб қилади. Бундан ташқари, сканер ва монитор **Rgb** системасида ишлашга мўлжал-ланган. Ранглар билан ишловчи барча ускуналар (рангли принтердан ташқари) **Rgb** системасида ишлайди. Шунинг учун яхшиси тасвирни чоп этишдан аввал **Cmyk** системасига ўтказиб олиш мақсадга мувофиқ. Тасвир устида барча амалларни поёнига етказиб, менюлар сатрида **Изображение—Настройка** таркибидаги **Cmyk** буйруғини танланг.

История (History) дарчаси билан ишлаш. **Adobe PhotoShop** дастури ишга туширилганда экранда **История** дарчаси мавжуд бўлмаса, Окно менюсида **История** буйруғини танланг. **История** дарчасида тасвирга киритилган сўнгги ўзгаришлар ҳақидаги малумотлар жойлашади. Тасвир устида бажарилган ҳар бир муҳим амаллар **История** дарчасида рўйхатга олинади. Хохлаган пайтда ёқмаган амалларни **Исто- рия** дарчаси орқали амалга ошириш мумкин. Бунинг учун курсор бажарилган амалдан олдинги буйруғи устида босилади. **Adobe Photoshop** дастури бажарилган сўнгги 20 та амални рўйхатга олади, йигирма биринчи амал бажарилганда **Adobe Photoshop** дастури аввалги амалларни ўчиради.

c). Ctrl→Shift

d). Ctrl→A

10-Мавзу: MS PowerPoint да слайдлар яратиш.

Режа:

1. **Power Point** муҳитида компьютер графикаси.
2. **Намуналар билан ишлаш.**
3. **Совға ва табрик, таклиф қоғозларни санъаткорона жиҳозлаш (презентация).**
4. **Power Point** муҳитида презентацияни шакллантириш технологияси.
5. **Microsoft Power Pointда презентация яратиш ва жиҳозлаш.**

Таянч иборалар: компьютер графикаси, жиҳозлаш, слайд, тақдимот, презентация, PowerPoint дастури.

Фараз қилайлик, қурилиш фирмаси ўз маҳсулотларини буюртма-чиларга тавсия этмоқчи. Албатта бунинг учун маҳсулотингиз тўғри-сида қизиқарли гаплар айтишингиз керак бўлади, яъни кўпдан бери бозор-да ишлаётганимиз ички ва ташқи фирмалар билан алоқа қилаёт-ганимиз; ишларимизнинг ривожланиши тўғрисида ва ҳ.к. Бошқача қилиб айтганда, биз ишончли ва салмоқли шерик эканимиз, иш жараёнида биз ва буюртмачилар орасида ҳеч қандай муаммолар юзага келмаслиги тўғрисида аудиторияда ишонч ҳосил бўлиши керак. Корхонамизнинг тижорат соҳасидаги муваффақияти, албатта, юқори-даги масалаларнинг қандай ҳал этилишига боғлиқ. Шунинг учун ўқилажак маърузага катта эътибор бериб, замонавий технология-лардан фойдаланган ҳолда олиб бериш керак.

“**MS Office**”да бунинг учун жуда қулай воситалар мавжуд. Бу **Power Point**. Бу дастур ёрдамида слайдларни қўллаб маърузалар ташқил қилиш ва уларни махсус плёнкаларга, қоғозларга, 35 мм. ли слайдларга чоп этиш, компьютер экранида намоиш этиш мумкин. Шу билан бирга тингловчиларга тарқатиш учун доклад маърузаларни ва бошқа материалларни тайёрлаш мумкин.

Power Point бир нечта слайдларга эга бўлган презентация файлини очади. Бу дастур фойдаланувчига ҳар хил мавзуларда катта миқдорда презентация қолипларни тақдим этади. Бу қолиплар махсус усулда жиҳозланган слайдларга эга. Слайд майдончасига матнни, графикани, жадвал ва диаграммаларни жойлаштириш мумкин. Ундан ташқари биз

дидимизга мос дизайн танлаб саъаткорона жиҳозлашган презентация қолипни ўзгартириш мумкин. Бунда презентация мазмуни сақлаб қолинади, фақат унинг ташқи кўриниши ўзгаради. Энди биз ўзимизда дизайнер қобилияти борлигини ва етарли ортиқча вақтга эга бўлганлигимизни ҳис этган ҳолда презентация устида “С нуля” ишини **Power Point** да бошласак бўлади.

Power Point фойдаланувчига ишлаш ва ахборотларни ҳар хил кўри-нишларини томоша қилиш (қуриш) имкониятини беради. Бажараётган ишингизга қараб - матн киритиб унинг таркибини кўришни хоҳлайсизми ёки слайдга графика жойлайсизми - мос кўринишни ҳосил қилиб ишлаш учун қулайлик яратиш мумкин бўлади. Дастур бош ойнасининг қуйи қисмидаги тугмачалардан бирини босиб 5-та кўринишлар билан танишиш мумкин.

1. Слайдлар қиёфаси (кўриниш) анча қулай ҳолда бўлади, агар биз охишта ҳар бир слайдни шакллантирсак, унга жиҳоз танласак, унга матн ёки графикка жойлаштирсак;
2. Презентация матни билан ишлаш учун тузилмама қиёфасини ўрнатиш керак. Бу ҳолда барча слайдлар сарлавҳаси, презентациянинг матн ва тузилмамаси билан танишиб чиқиш мумкин бўлади.
3. Слайдларнинг сараловчи қиёфаси слайдларни экрандаги муддатли бошлаш учун жуда қулайдир. Бундан ташқари бу режимда слайдларни алмаштириш мумкин.
4. Қайд(белгилар) қиёфаси докладларга бегилар қўйиш учун ишлати-лади.
5. Намойиш бажарилган ишнинг натижасини қуришда ишлатилади. Бу режимда слайдлар навбати билан экранга чиқарилади. Керакли қиёфани кўриш учун **Вид** менюсидаги командадан фойдаланиш мумкин.

Намуналар билан ишлаш. Презентация қиёфасини яхшилаш учун унинг барча слайдларини бир маромда жиҳозлаш керак. Бундан ташқари ҳамма слайдларга биттагина дизайн элементини жойлаштириш учун зарурият пайдо бўлади. Шунинг учун **Power Point** да барча слайдлар учун бир хилда жиҳозлаш имконияти мавжуд. Бу намуналар билан ишлаш режимида амалга оширилади. Бу режимга кириш учун “**Вид**” меню бандидан “**Образец**” командасини чақириш даркор. Менюда слайдлар учун “**Образец слайдов**” ва “**Образец заголовка**” командалари кўрсатилган. Иккинчи команда титул слайдларнинг намунасини аниқлашда биринчиси эса презентациянинг барча қолган слайдлар қиёфасини аниқлашда ишлатилади. “**Образец слайдов**” командасида ҳар бир намуна учун қандай ўзгартиришлар

Сборщик цветов мулоқат ойнаси ёрдамида ўзгартирилади.

Цвет Фона. Кўрсатилган ранг **Ластик** асбоби билан ишланганда қўлланилади. **Цвет Фона** ускунасидаги ранг **Основной Цвет** ускунасида рангни ўзгартириш учун қандай амал бажарилган бўлса, худди ўша амалга риоя қилиши лозим ёки **Пипетка** ускунаси билан **Alt** клавишини биргаликда босиш орқали экранда пайдо бўлган **Сборщик цветов** мулоқат ойнаси ёрдамида рангни алмаштириш мумкин;

Переключение Цветов, курсорни ушбу тугма усида бир марта босиш орқали асосий ранг ва фон ранги билан ўрин алмашади;

Стандартный Цвет курсорни ушбу тугма устида бир марта босиш орқали асосий ранг ва фон рангини стандарт ранглар қора ва оқ рангларга алмаштиради.

Рангларни танлашда **Adobe Photoshop** дастурида **Цвет, Образцы** ёки **Стили** дарчаларидан ҳам фойдаланиш мумкин.



Rgb(Red, Green, Blue қизил, кўк, яшил) модули тасвирни экранда таҳрир қилиш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда жуда қулай ва у 24 разрядли ранглар платаси ёрдамида деярли барча 56 миллион рангларни мониторларда акс эттирира олади. **Rgb** ранглар мажмуаси билан ишланган барча тасвирларни хоҳлаган форматда дискка ёзиш мумкин. **Rgb** ранглар мажмуасидаги айрим ранглар умуман табиатда учрамайди.

Cmyk–табиатда мавжуд бўлган ранглар мажмуаси, қуёш нурлари инсон кўзлари ажрата оладиган барча рангларни ўзига мужассамлаштирган. Қуёш нурлари бирор–бир жисмга тушганда унинг таъсири остида инсон кўзлари жисм шакли ва рангни идрок этади. Мисол учун биноларнинг ўт ўчириш бурчакларига осиб қўйилган ўт ўчиргичлар тўқ кўк ва зангори ранглар билан бўялишига қарамай, бизнинг кўзимизга тўқ қизил рангга кўринади. Рангларнинг бир бирига қўшилиши натижасида бошқа ранглар ҳосил қилинади. :

С- хаворанг

М– бинафшаранг

Бу форматлар ичидан энг кўп қўлланиладиган форматлар куйидагилардир:


bmp(Windows Bitmap–Windowsнинг вит картаси)-Windows муҳитида ишловчи компьютерларда экран ости тасвирларини қўлловчи дастур **Microsoft Paint** да кенг қўлланилади;

jpeg(Joint Phonographic Experts Group)–ҳозирги кунда энг кўп қўлланиладиган форматлардан бири бўлиб, унинг асосий афзалликларидан бири махсус дастур ёрдамида файл ҳажмини етарлича сиқиш имконининг мавжудлигидир. Аммо файлни сиқиб, ҳажмини кичрайтириш жараёнида тасвир сифатида ўзгариш бўлади. Файл кучли сиқилганда тасвир сифати ёмонлашиши мумкин. Ушбу форматдаги файллар компьютер хотирасида кўп жой эгалламайди ва ҳажм жиҳатидан кичиклиги боис мазкур форматдаги тасвирлар билан ишлаш анча осон;

tiff(Tagger Image File Format)–бу форматдаги файллар ҳам кенг қўлланади. Лекин **tiff** форматидаги файллар компьютер хотирасида кўп жойни эгаллайди. **Adobe Photoshop** дастурида ушбу форматдаги тасвирлар билан ишлашда дастурининг ишлаш тезлиги сезилари равишда камайиши мумкин;

gif(Grapis Interchange Format- графикни айрибошлаш формати) –ушбу форматдаги тасвирлар 256 турдаги ранг билан тасвирланади. Бу форматдаги тасвирлар, асосан, интернет тизимида кенг қўлланади.

Ранглар билан ишлаш. Adobe Photoshop дастурида ускуналар панелида ранглар билан ишлаш учун тўртта ускуна ажратилган :



Основной Цвет. Ушбу ускунада қандай ранг кўрсатилган бўлса **Линия, Карандаш, Кисть** ва шунингдек **Alt** клавиши билан биргаликда қўлланганда **Палец** ускуналари учун ўша ранг асосий ҳисобланади. **Основной Цвет** ускунасидаги ранг ушбу ускуна устида «сичқонча» тугмасини бир марта босиш орқали ёки **Пипетка** ускунаси билан **Alt** клавишини биргаликда босиш орқали экранда пайдо бўлган

киритиш учун нима қилиш кераклиги тўғрисида йўл-йўриқлар келтирилган. Шундай қилиб биз ҳарфларнинг хилини, размерини танлашимиз, сўз бошининг параметрини аниқлашимиз, намуна ўлчамини ўзгартиришимиз, ўнга расм жойлаштиришимиз ёки қандайдир график элемент чизишимиз мумкин бўлади.

Намунага жойлаштирилган барча элементлар ҳар бир презентация слайдида пайдо бўлади, киритилган ўзгартиришлар эса шу захотиёқ қолган слайдларда ифодаланади.

Шундай қилиб **Power Point**да индивидуал дизайн ҳосил қилиш ва барча презентациялар учун бир хилда бўлиши керак бўлган элементларни аниқлаш мумкин.

Совға ва табрик, таклиф қоғозларни санъаткорона жиҳозлаш (презентация). Презентация тайёрлашнинг асосий босқичи - бу санъаткорона жиҳозлашдир; чунки график киёфадаги маълумотлар матнлиларга нисбатан кўркамроқ бўлади, иккинчидан, график киёфа презентациянинг асосий белгиларини ажратиб кўрсатади ёки маърузаларнинг мураккаб ҳолатларини тушунишни осонлаштиради. Умуман, презентация самарадорлиги иши тингловчиларда яхши таъсурот қолдиради.

Дизайн қолип. **Power Point** фойдаланувчиларга мутахассислар томонидан тайёрланган кўп миқдордаги дизайн қолипларини бериш формат менюсидаги **“Оформление слайда”** командаси ёрдамида бажарилади. Команда чақирилгач, ишчи майдон чап ёнида **Дизайн слайда** номли диалог дарча очилади - дизайн қолипини танласак, олдиндан кўриш дарчасида унинг тасвирини кўрамиз. У ёки бу қолипни танлаш учун унда қўшалоқ чиқиллатишни бажариш керак.

График объектлар расмини чизиш. **Power Point** да ҳар қандай мураккаб график объектлар расмини чизиш мумкин. Бунинг учун **Рисование** номли ускуналар банди мавжуд. Агар биз слайд белги кўринишида турсак, у экранда пайдо бўлади. Расм чизишнинг қўшимча воситалари **Рисование** ускуналар бандида жойлашган.

Агар сичқонча кўрсаткичини истаган ускуналар бандига тўғирлаб, ўнг томонидаги тугмачани боссак, у экранда акс этади.

Power Point даги асосий расм чизиш усуллари куйидагича: қандайдир шаклни чизиш учун ускуналар бандидан керакли тугмачани босиб расм чизиш ускуналари танлаб олинади;

-бир хил бир неча объектларни чизиш учун ёки тайёр объектлар устида бир хил аммаларни бажариш учун тугмачада қўш босиш амали бажарилади;

-ҳосил қилинган шакл устида қандайдир амал бажариш учун, аввал уни қорайтириш керак (сичқонча билан чиқиллатиб).

-бошқа объектлар билан бутунлай ёки қисман тўсилган объектни қорайтириш учун биринчи режадаги объект қорайтирилади, сўнгра **Tab** тугмача босиб турилади, керакли объектга қаратгунча;


-**эллипс** ускунаси билан айлана, **Прямоугольник** билан квадрат, **Дуга** билан айлана ёйини чизиш учун расм чизиш мумкин;

-**Линия** ускунаси билан чизилган чизик горизонтал ёки вертикал қилиб чизилиши мумкин;

Бир нечта объектларни қорайтириш учун **Shift** ни босилган ҳолда ушлаб туриб сичконча билан ҳар бир объектга кетма-кет чиқиллатилади. Барча объектларни бирданига белгилаш учун [**Ctrl + A**] тугмачалари босилади.

Clip Art кутубхонасидаги расмлар. Презентацияни жиҳозлаш учун юзлаб расмларга эга бўлган Microsoft Clip Art кутубхонасидан фойдаланиш мумкин.

Менюлар бандидаги **Вставка** бандидан **Фильмы и звук** бўлимига кирилади ва у ердан **Фильмы из коллекции картинок** ёки **Фильм из файла** тугмачасини босиш билан мавжуд фото тасвирлар кутубхонасига кириш мумкин. Бажарилган амаллар наъмунаси.



Ранглар билан бирга Power Point замон билан баравар қадам ташлашга ва етук мултифильм ишида ишлаб чиқарувчилар билан бир қаторда туриш учун аудио ва видео клипларни презентациялар таркибига киритиш имконини беради. Бундай имкониятлар билан танишиш учун махсус аппаратура - видео ва аудио карталар, яхши дисплей ва юкори сифатли акустик тизим, аудио ва видеофайллар керак бўлади.


майди. **Adobe Photoshop** дастуридаги **Действия** дарчаси билан ишлашни билсангиз, қисқа фурсат ичида кўп миқдордаги тасвирни таҳрир қилишингиз мумкин.

Adobe Photoshop дастурида ишлаш учун янги файл тузилади ёки компьютер хотирасида мавжуд бўлган тасвир очилади. Янги файл тузиш ва аввалдан мавжуд бўлган файлларни очишнинг қуйидаги йўллари мавжуд: меню сатрида **Файл** меню бандини очиб **Новый** буйруғини танланг ёки [**Ctrl+N**] тугмалари комбинациясидан фойдаланиб, янги файл тузинг. Юкоридаги амал бажарилагандан сўнг **Adobe Photoshop** дастури янги файлни ташкил этиш учун унинг ўлчамлари ҳақидаги маълумотлар битилган янги дарчани ҳосил қилади. Бунда янги тузилаётган файл номи, унинг ўлчамлари киритилиши талаб этилади. Керакли ўлчамлар киритилгандан сўнг **ОК** тугмасини босиш лозим. **Adobe Photoshop** дастури оқ рангдаги янги ойнани тузади. Бу ойнада янги тасвирни ижод қилиш, хоҳлаган ўзгартиришни киритиш ёки бошқа тасвирлардан айрим деталларни кўчириб ўтказиш ва умуман фойдаланувчи дастурда мавжуд истаган амалларни бажариши мумкин; меню сатрида **Файл** меню бандини очиб **Открыть** буйруғини танланг ёки **Ctrl+O** тугмалари комбинациясидан фойдаланиб компьютер хотирасида мавжуд бўлган файлни очинг. Жуда кам ҳолларда **Файл** меню бандидан **Открыть Как(Ctrl+Alt+O)** буйруғи танланади.

Пролистать-компьютер хотирасини варақлаш.

Открыт Последний-энг сўнгги фойдаланилган файлни очиш.


Тасвир форматлари. **Adobe Photoshop** дастурида турли форматдаги файллар билан ишлаш имкониятига эга бўламиз. Улар қуйидаги (7-расм)да келтирилган.



7-расм. Adobe Photoshop дастури форматлари


тугмаларини биргаликда босиш орқали.

Тасвирни босма шаклдаги ўлчамми. **Adobe Photoshop** дастури тасвирнинг принтерда чоп қи лингандаги кўринишини чоп қилмасдан аввал экранда кўриш имкониятини беради. Бунинг учун менюлар сатрида **Изображение** менюсини таркибидаги **Размер Изображения** буйруғини ишга тушириш орқали.



Аммо, ҳамма вақт ҳам тасвирнинг экрандаги кўриниши билан чоп этилгандаги ўлчамлари айнан мос тушавермайди.

